


654.6

Б-19 М.Ф.Васиев, М.А.Васиева

**НОН, МАКАРОН
ВА ҚАНДОЛАТ
МАҲСУЛОТЛАРИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**



664.6
B19
КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ ТАЛАБАЛАРИ УЧУН
ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ ҚҮЛЛАНМАЛАР

М.Г.ВАСИЕВ, М.А.ВАСИЕВА

НОН, МАКАРОН ВА ҚАНДОЛАТ
МАҲСУЛОТЛАРИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

III бўлим
**МАКАРОН МАҲСУЛОТЛАРИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Ўзбекистон Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг
Ўрта маҳсус касб-хунар таълими Маркази томонидан
“Кандолат, нон-булка ва макарон маҳсулотларини
ишлаб чиқариш” йўналиши бўйича ўкувчилар учун
дарслик сифатида тасдиқланган

Faфур Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи
Тошкент-2002

БИБЛИОТЕКА
Бух. тип и.лп
№ 74583

МАКАРОН ВА КАНДОЛАТ МАХСУЛОТЛАРИ
ИШЛАБ ЧИКАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Васиев М.Г., Васиева М.А.

Нон, макарон ва кандолат маҳсулотлари ишлаб чикариш технологияси: Бўлим III, Макарон маҳсулотлари ишлаб чикариш технологияси: Каасб-хунар коллежлари талабалари учун дарслик. – Т.: F.Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйн. 2002–128 б.
Сарлавҳада; Ўзбекистон Олий ва ўтра маҳсус таълим вазирлити,
Ўтра маҳсус каасб-хунар таълими Маркази.
I. Муаллифдош.

Дарслик ўкувчиларга асосан “Нон, макарон ва кандолат маҳсулотлари ишлаб чикариш технологияси” фанидан сабоб бериб, IV бўлими ўз ичига олади. Фанинг I бўлими – “Нон, макарон ва кандолат маҳсулотларини ишлаб чикарища кўлланыладиган хом ашё ва материаллар, II бўлими – “Нон маҳсулотлари ишлаб чикариш технологияси”, III бўлими – “Макарон маҳсулотлари ишлаб чикариш технологияси”, IV бўлими – “Кандолат маҳсулотлари ишлаб чикариш технологияси” леб номланади.

Ушбу дарслик “Нон, макарон ва кандолат маҳсулотлари ишлаб чикариш технологияси” фанининг 3-бўлими бўлиб, унда макарон маҳсулотларининг хамирини кориш, шакл бериш, кутитиш ва барқарорлаширишининг замонавий усуслари, кадоклаш ва жойлаш, тайёр маҳсулотлар сифатига кўйиладиган талаблар, макарон маҳсулотларининг ноаньнавий турларини ишлаб чикариш технологияси мавзулари ёритилган.

Ярим тайёр маҳсулотлар хоссаларига ва тайёр маҳсулотнинг сифатига бугдой унининг хоссалари ва макарон маҳсулотлари ишлаб чикариш алоҳиди технологик жараёнларининг таъсири баён этилган.

ББК 86.83я722+36.86я722

В 4001040000
M362/04/-2002 – буюртма, 2002

ISBN 5-8255-0780-9

© М.Г. Васиев, М.А. Васиева,
Faafur Fulom номидаги нашриёт-
матбаа ижодий уйн, 2002 й.

I б о б. КИРИШ

1-§. МАКАРОН ИШЛАБ ЧИКАРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҲОЛАТИ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИФАЛАРИ

Макарон маҳсулотлари ун ва сув, бაъзи эса оқсилии бойитувчилар ёки таъм берувчи мадалар қўшиб тайёрланган ошпазлик ярим тайёр маҳсулоти хисобланади.

Макарон маҳсулотлари утра ош, лагман кўринишида Шарқда узоқ йиллардан бери тайёрланган саёҳатидан сўнг (XIII асрнинг охири) Европага макарон маҳсулотлари ишлаб чикариш технологияси кириб келган. Аммо тарихий ҳужжатларда Италиядаги XII асрнинг бошларидан, яни Марко Полонинг Хитойга қўлган машҳур саёҳатидан анча олдин макарондан таомлар тайёрланганлиги айтиб ўтилган.

Макарон маҳсулотларини саноат мишишни охирида, Россиядаги XVI асрнинг 60-йилларида (1597 йил Одесса шахрида), кейин эса Франция ва Германиядаги мабоблиги ва


упарга бўлган талабнинг ортиши туфайли макарон саноати тез ривожланди. Бу эса узоқ давом этувчи ва кўп энергия талаб киладиган жараёнларни кисқартириш ва маҳсулот тайёрлашни ошириш имкониятини берадиган жадал технологияларни жорий қилишга замин яратди.

Аввалгидай, бугунги кунда ҳам Италия макарон маҳсулотлари ишлаб чикариш, истемол килиш ва экспорт килиш (четта чикариш) бўйича олдинги ўриндаги мамлакат

хисобланади. Охириги ўн йилликда Италияда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1800...2500 минг тоннани ташкил килган. Ахоли жон бошига 26 кг (жанубий худудларда йилига 40 кг дан ортиқ) макарон маҳсулоти тўғри келиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 20 фоиздан ортиғи чет мамлакатларга экспорт қилинган.

Адабиётларда келтирилган маълумотларга кўра МДХ давлатларидаги ахоли жон бошига йилига 7 кг макарон маҳсулотлари тўғри келади. Кейинги 10 йилда ахоли овқатланиш рационасида дон ва ун маҳсулотлари улушининг ортганлиги туфайли, Республика мизада истеъмол қилинадиган макарон маҳсулотларининг микдори йилига 10 кг дан кам эмас деб тахмин килиш мумкин.

Бундан 40–60 йил олдин макарон ишлаб чиқариш корхоналаридаги маҳсулотлар гидравлик пресслардан фойдаланиб даврий (узлукли) усулда ишлаб чиқарилган (1-расм).



1-расм. Макарон маҳсулотларини гидравлик прессларда узлукли усулда ишлаб чиқариш технологик схемаси

Даврий ишловчи хамир кориши машинасининг тогораси (1)га ун солиниб тахминан 3:1 нисбатда сув куйилган. Сув ва ун 20 минут давомида аралаштирилган йирик хамир

зуваласи хамир думалатувчи (2)нинг дисксимон айланувчи столларига кўйилган. Столлар устида жойлашган силлиқ ғранит ёки тарам-тарам новли чўян валлар ёрдамида хамир боғланган яхлит массага айлантирилган. Кейин хамир валлар (3) ёрдамида ёйилган, ўралган ва 30–40 минут намланган брезент билан ёпиб тиндирилган. Тайёр бўлган ўрамлар гидравлик прес (4)га берилиб, 20 МПа босим остида матрица тирқишидан ўтказиб, нам маҳсулотлар ҳосил қилинган. Прессланган макаронлар вагонетка (5)нинг рамкаларига осилган ва куритиш камераси (6)да куритилган. Куритиш камераси ҳавоси иситиладиган ёки камерали куритикчлардан иборат бўлган. Иссиқ иклими худудларда маҳсулотлар очик ҳавода қуритилган (неаполли усул) ва куритиш вақтида сут кислотаси пайдо бўлиши натижасида ширин мазали маҳсулот ҳосил бўлган.

XX асрнинг иккинчи ярмида битта узлуксиз ишловчи агрегатда макарон маҳсулотлари тайёрлашнинг барча операциялари мужассам бўлган шнекли макарон пресслари пайдо бўлди.

Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кейинги ривожида узлуксиз ишловчи макарон прессларининг пайдо бўлиши ва улар асосида механизациялаштирилган жиҳозларнинг яратилиши мухим хисса кўшиди.

Италияда макарон маҳсулотлари жиҳозларини ишлаб чиқариш яхши йўлга кўйилган. Иккита машҳур италиян фирмаси: "Braibanti" ва "Pavan" дунёнинг барча мамлакатларидаги фойдаланилаётган, узун, киска ва шаклдор макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи мукаммал жиҳозлар ишлаб чиқармоқда. Улар билан факат Швейцариянинг "Buhler" фирмасигина ракобатлашмокда, холос.

"Braibanti" фирмасининг макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи комплекс механизациялаштирилган жиҳозлар тўпламлари Тошкент ва Куба макарон ишлаб чиқариш корхоналаридаги, бошқа бир катор фирмаларнинг жиҳозлар тўпламлари эса Тошкент, Андижон ва Республика мизада бошқа шаҳарларидаги самарали ишламоқда.

Кўпчилик корхоналарда макарон маҳсулотлари ишлаб

чиқаришда Ростов (Россия) машинасозлик заводининг жиҳозларидан фойдаланилмоқда.

Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологиясини яратишида Италия, Швейцария ва бошқа мамлакатларнинг олимлари билан бир каторда рус олимлари профессорлар В.В.Лукъянов, Н.И.Назаров, Л.А.Буров, Г.М.Медведевларнинг хизматлари алоҳида эътиборга лойик.

Ушбу дарсларни тайёрлашда қимматбаҳо материалларини тақдим этган ва таклифлар киритган ҳамасбимиз ва устоз профессор Г.М.Медведевга биз муаллифлар чексиз миннатдорчилек билдирамиз.

Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш вазифалари. Бу вазифалар куйидагилардан иборат:

- хом ашё базасининг истиқбол тараққиёти. Бу йўналишда Республикамиз хукумати томонидан қаттиқ навдаги буғдой экиладиган майдонларни кенгайтириш, қаттиқ ва шаффоғлиги юқори бўлган буғдойдан макарон уни ишлаб чиқаришини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўриш;

- хамирга асосан вакум ишлов бериб, кориш техникаси ва технологиясини такомиллаштириш;
- телефон тўсикли матрицалардан фойдаланиб хамирга шакл беришни такомиллаштириш;
- куритишнинг юқори ҳароратли тартибларидан фойдаланиш;
- тез пишадиган ва пиширишни талаб қилмайдиган макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш ва навларини кенгайтириш;
- макарон ишлаб чиқаришда ноанъанавий маҳаллий хом ашёлардан кенг фойдаланиш ва улар асосида шифобахш ва парҳезбон овқатланишга мўлжалланган маҳсулотлар тайёрлаш ва бошқалар.

2-§. МАКАРОН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ ОЗУҚАВИЙ ҚИЙМАТИ ВА ТАСНИФИ (КЛАССИФИКАЦИЯСИ)

Саноатда ишлаб чиқариладиган макарон маҳсулотлари буғдой уни ва сувдан тайёрланган хамирни 13 % ва ундан

паст намлиkkача куритиб ҳосил килинган озиқ-овқат маҳсулоти хисобланади.

Макарон маҳсулотлари тез пишиши (қайнатиши давомийлиги навига караб 3–20 минут), бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари билан яхши мослашиши ва озукавий қийматининг юқорилиги туфайли кундалик ҳаётда, умумий овқатланишда ва озукавий концентратлар ишлаб чиқаришда жуда кенг кўлланилади.

Кўшимчалариз макарон маҳсулотларининг таркиби қуйидагилардан иборат: оқсиллар – 9–13%; ҳазм бўладиган углеводлар – 76–78%; ёғ – 1% атрофида; минерал моддалар – 0,5–0,9%; целлюлоза – 0,1–0,6%. 100 г маҳсулотнинг энергетик қиймати тахминан 1400 кЖ ни ташкил қиласи. Макарон маҳсулотларининг углеводлари – 96%, ёғлари – 93%, оқсиллари – 85% гача ҳазм бўлади. Минерал моддалар ичидаги фосфор кўп миқдорни ташкил қиласи, аммо кальцийнинг миқдори кам. Витаминлардан PP ва В гурухига кирувчи витаминлар кўпроқ миқдорда мавжуд.

Булардан ташкири, макарон маҳсулотлари бошқа афзалликларга ҳам эга: хусусиятини ўзгартирмасдан бир йилдан ортиқ сакланади; мутлақо эскирмайди, кокнон, печенье, донли куруқ нонушталарга нисбатан гигроскопик хусусияти паст; ташишга чидамли.

Буғдой тури ва уннинг навига кўра макарон маҳсулотлари А, Б, В гурухларга ва 1, 2-синфларга бўлинади:

А гурухига – қаттиқ буғдой унidan тайёрланган маҳсулотлар;

Б гурухига – шаффоғлиги юқори бўлган юмшоқ буғдойдан тайёрланган маҳсулотлар;

В гурухига – юмшоқ, буғдойдан тортилган новвойлик унidan тайёрланган маҳсулотлар киради;

1-синфга – олий навли ундан тайёрланган маҳсулотлар;

2-синфга – биринчи навли ундан тайёрланган маҳсулотлар киради.


Масалан, А гурух 1-синфга кирувчи макарон маҳсулотлари қаттиқ буғдойдан тортилган олий навли ундан тайёрланган, В гурух 2-синфга кирувчи маҳсулотлар

юмшоқ бүгдойдан тортилган биринчи навли новвойлик унидан тайёрган.

Таъм берувчи ва бойитувчи кўшимчалар кўшиб макарон маҳсулотлари тайёрганида гурух ва синф кўрсаткичлари ёнига мос кўшимчанинг номи ҳам кўшилади, масалан, Б турух, 1-синф, тухумли, В турух, 2-синф, томатли ва хоказо.

ГОСТ 875 га кўра макарон маҳсулотлари қуидаги типларга бўлинади: найсимон, ипсимон (вермишел), тасмасимон (угра) ва шаклдор. Ўз навбатида санаб ўтилган макарон маҳсулотларининг типлари хилларга ва турларга бўлинади.

Найсимон маҳсулотлар (2-расм) шакли ва узунлигига кўра 1-жадвалда кўрсатилган хилларга бўлинади.



2 – расм. Найсимон маҳсулотлар:
а – макаронлар; б – шохчалар; в – перолар

Кўндаланг кесимининг ўлчамига кўра найсимон маҳсулотларнинг ҳар бир хили турларга бўлинади (2-жадвал), шу билан бирга уларни кесим шакли турлича бўлиши мумкин: айланла, квадрат, тарам-тарам ва бошқалар.

Найсимон маҳсулотларнинг хиллари

Хиллар	Шакли	Маҳсулотнинг узунлиги, см
Макаронлар	Тўғри ёки тўлкин-симон кесимли най	Калта – 14–20 см Узун – 20 дан кам эмас (иккى бусланган маҳсулот учун биринчи томоннинг узунлиги 20 см-дан кам эмас, иккичи томоннинг узунлиги чекланмайди)
Шохчалар	Тўғри кесимли тўғри ёки эгилган най	Ташки эгри чизиги бўйича – 1,5–4,0; “хаваскорлик” – 3,0–10,0
Перолар	Кия кесимли тўғри най	Ўткир бурчагидан ўтмас бурчагигача 3,0–10,0
Макарон синклари	Деформацияланган макаронлар, макарон синклари ва кийкимлари	5,0–13,5


Найсимон маҳсулотларнинг турлари

Хиллар	Турлар	Кесими*, мм	Деворининг калинилиги**, мм
Макаронлар, шохчалар, перолар	Найча (перолар- дан ташкари)	4,0 мм гача	1,5 дан кўп эмас (кадоклаш бир- линидаги маҳсулотлар массаси- нинг 5% и гача 2,0 мм бўлиши мумкин)
	Махсус Оддий Хаваскорлик	4,1–5,5 5,6–7,0 7,0 дан кўп	

* Маҳсулотларнинг кесими ташки диаметр бўйича аниқланади

** Тарам-тарам ва гофранган маҳсулотлар деворининг калинилиги ботик жойлари бўйича аниқланади.

Ипсимон маҳсулотлар – вермишель (3-расм) ҳам турли хил кесим шаклига эга бўлиши мумкин. Кесими ўлчамларига кўра вермишель кўйидаги турларга бўлинади (мм): энг ингичка (0,8 дан кўп эмас), ингичка (0,9–1,2), оддий (1,3–1,5), хаваскорлик (1,6–3,0).




3 – расм. Ипсимон маҳсулотлар (вермишель):
а – узун; б – калта қирқилган.

Узунлигига кўра, вермишель узунлиги 1,5 см дан кам бўлмаган – калта (калта қирқилган) ва узунлиги 20 см дан кам бўлмаган – узун (икки бусланган ёки яхлит) холда ишлаб чиқарилади. Агар маҳсулот туркуми таркибида узунлиги 20 см дан калта бўлган маҳсулотлар 20% дан ортиқ бўлса, бу маҳсулот калта вермишель деб кабул килинади.

Хорижда ишлаб чиқарилган узун вермишельни с патт и деб номланади.


Тасмасимон маҳсулотлар – угра (4-расм) ўлчами ва шаклига кўра кўйидаги турлар ва номларда ишлаб чиқарилади: силлиқ ёки тарам-тарам юзали; тўғри, аррасимон, тўлкинсимон ва шу сингари четли угралар.



4-расм. Тасмасимон маҳсулотлар (угра):
а – узун; б – калта қирқилган.

Угранинг кенглиги 3 мм дан 10 мм гача (“Тўлкин” уграсининг кенглиги 25 мм гача) бўлиши лозим. Угранинг қалинлиги 2 мм дан ортиқ бўлмаслиги лозим. Угра узунлигига кўра худди вермишель сингари узун ва калта кесилган маҳсулотларга бўлинади. Угра туркумида ҳам узунлиги 20 мм дан кам бўлган маҳсулотлар 20 % дан ортиқ бўлса, у калта маҳсулотлар туркумига ўтказилади.

Шаклдор маҳсулотлар (5-расм) пресслаш ёки штамплаш йўли билан тайёрланади. Шаклдор маҳсулотлар турли шакл ва ўлчамларда ишлаб чиқарилиши мумкин, аммо маҳсулотнинг исталган кисмининг кесимидағи энг катта қалинлиги прессланган маҳсулотлар учун 3,0 мм, штампланган маҳсулотлар учун 1,5 мм дан ортиқ бўлмаслиги керак.



5 – расм. Шаклдор маҳсулотлар:
а – чиганоқ; б, в – бошқа ҳиллар; шўрвабон маҳсулотлар.

3-8. МАКАРОН МАХСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АСОСИЙ БОСҚИЧЛАРИНИНГ ҚИСҚАЧА ТАВСИФИ

Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш жараёни қўйидаги асосий босқичлардан иборат: хомашёни тайёрлаш, хамир тайёрлаш, хамирни пресслаш, нам маҳсулотни бўлаклаш, куритиш, куритилган маҳсулотни совитиш, тайёр маҳсулотнинг яроқсизларини ажратиш ва қадоқлаш.

Хом ашёни тайёрлаш. Бу босқич унни элап, металломагнит аралашмаларни ажратиш, қиздириш (уннинг ҳарорати 10°C дан паст бўлмаслиги керак), корхона лабораторияси кўрсатмаларига биноан турли ун туркумларини аралаштиришдан иборат.

Хамир коришга мўлжалланган сув иссиқлик алмашиниши аппаратларида қиздирилади, кейин эса рецептурада кўрсатилган ҳарораттacha совук водопровод суви билан аралаштирилади.

Кўшимчаларни тайёрлаш, уларни хамир коришга мўлжалланган сув билан аралаштиришдан иборат. Товук тухуми фойдаланишдан олдин ювилади ва дезинфекцияланади, меланж эса эритилади.

Макарон хамирини тайёрлаш. Хамир тайёрлаш жараёни кўшимчаларни (ун, сув ва бошқалар) дозалаш ва хамир коришдан иборат.

Ун, сув ва сувда эритилган кўшимчалар дозаторлар ёрдамида кориш тогорасига тахминан 3:1 нисбатда узлуксиз тарзда берилади.

Кориш тогорасида ун ва сувнинг жадал араласиши ва ун заррачаларининг бўкиши, яъни шартли равишида макарон хамирини кориш содир бўлади. Чунки макарон хамири коришнинг охирида нон ва бисквит хамиридай болгланган яхлит масса эмас, балки кўп миқдордаги намланган кумоклар ва ушоклар кўринишида бўлали.

Хамирни пресслаш. Пресслашнинг, бошқача килиб айтганда, экструзиянинг мақсади корилган хамирни зичлаш, уни бир жинсли болгланган қовушқоқ пластик хамир массасига айлантириш, кейин унга маълум шакл беришдан иборат. Хамирни металл матрицага ўйилган

тиркишлар (филерлар) дан сикиб чиқариш натижасида маҳсулотта хос шакл берилади. Тиркишларнинг шакли прессланган нам маҳсулотларнинг шаклини белгилайди. Масалан, айланы кесимли тиркишдан вермишел, тўғри бурчакли тиркишдан утра олинади.

Нам маҳсулотларни бўлаклаш. Бу жараён икки босқичдан иборат: матрицалардан прессланган нам маҳсулотларни керакли узунликдаги бўлакларга бўлиш ва уларни куритишга тайёрлаш. Куритишга тайёрлаш босқичи тайёрланаётган маҳсулотлар ва кўлланиладиган куритиш жихозларининг турига караб нам маҳсулотларни тўрли транспортёrlар, рамкалар ёки кассеталарга ёйиш, ёки нам маҳсулотнинг узун калаваларини куритиш ходадари – бастунларга осишдан иборат бўлади. Прессланган маҳсулотлар сиртида куриган кобик ҳосил қилиш мақсадида, киркишдан олдин ёки киркиш жараёнида улар ҳаво билан пуркалали. Бу маҳсулотларнинг бир-бирига ёпишиши, уларнинг пичоклар ва куритиш юзаларига ёпишиб қолишининг олдини олади.

Маҳсулотларни куритиш. Куритишнинг мақсади – маҳсулотларнинг шаклини мустаҳкамлаш ва уларда микроорганизмлар ривожланишининг олдини олишдан иборат. Бу макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологик жараёнининг узокроқ давом этадиган ва масъулиятли босқичи ҳисобланади. Унинг тўғри амалга оширилиши биринчи навбатда маҳсулотларнинг мустаҳкамлигини таъминлайди. Жуда жадал равишида куритиш натижасида маҳсулотларда кичик ёриклар ҳосил бўлиши мумкин, жуда секин куритишда, айникса, намликин ажратишнинг биринчи босқичида, маҳсулотлар ачиши ва мөгорлаши мумкин.

Бугунги кунда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида нам маҳсулотларни куритиш учун конвектив усули, яъни уларни иситилган ҳаво билан пуркашдан фойдаланилади.

Куритилган маҳсулотларни совитиш ва баркарорлаштириш. Бу жараён куритичдан чиқаётган маҳсулотларнинг юкори ҳароратини қадоқлаш бўлими ҳавосининг ҳароратигача совитиши учун зарур. Агар

макарон маҳсулотлари совитилмасдан қадоқланса, буғаниш қадоқланган маҳсулотларда ҳам содир бўлиб, бу маҳсулотлар массасининг камайишига, нам ўтказмайдиган идишларга қадоқланганда намлик унинг ички юзасига конденсацияланишига олиб келади.

Куритилган маҳсулотларни стабилизатор – тўплагич деб номланувчи маҳсус бункерлар ва камераларда секинлик билан советиш мақсадга мувоғик ҳисобланади.

Совитилган маҳсулотларнинг саралаш жараёнида сифат кўрсаткичлари кўйилган талабларга жавоб бермайдиган маҳсулотлар ажратиб олинади, кейин маҳсулотлар қадоқлашга юборилади.

Макарон маҳсулотларини қадоқлаш ва жойлаш. Тайёр маҳсулотлар кичик идишларга (кутичалар ва халтачалар) кўлда ёки қадоқлаш машиналарида, ёки уюм ҳолида йирик идишларга (кутиларга, кўп қатламли қофоз копларга) жойланади.

Макарон маҳсулотларининг исталган анъанавий турини ишлаб чиқариш санааб ўтилган босқичлардан иборат бўлади. Шу билан биргаликда корхонада аниқ бир технологик схемасини қабул қилиш корхонада мавжуд бўлган жиҳозлар в. ишлаб чиқариладиган маҳсулоттини навига боғлиқдир.

Республикамизнинг макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида кўлланилаётган ва илфор хорижий фирмалар томонидан таклиф қилинаётган турли хил технологик схемаларнинг асосий вариантилари макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг алоҳида технологик босқичларини ўрганиш жараёнида батафсил кўриб чиқилади.

Калит сўзлар ва таянч иборалар

Макарон маҳсулотлари; макарон маҳсулотларининг А, Б, В гурухлари; 1-синф ва 2-синф макарон маҳсулотлари; найсимон, ипсимон, тасмасимон ва шаклдор макарон маҳсулотлари.

Назорат саволлари

1. “Макарон маҳсулотлари” иборасининг таърифини көлтиринг.
2. Макарон ишлаб чиқаришнинг ривожланиши тарихини кўскача шархлаб беринг.

3. XX асрнинг ўрталаригача макарон маҳсулотлари қандай тайёрланган?

4. Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий босқичлари эски даврий усул ва замонавий технологияларга кўра қандай фарқланади?

5. Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш саноати олдида қандай вазифалар туриби?

6. Озиқ-овқат маҳсулоти сифатида макарон маҳсулотлари қандай афзалликларга эга?

7. Кайси белгиларига кўра макарон маҳсулотлари А, Б, В гурухларга бўлинади?

8. Кайси белгиларига караб макарон маҳсулотларини 1- ва 2-синфларга бўлинади?

9. Шаклига караб макарон маҳсулотлари қандай хилларга ва турларга бўлинади?

10. Найсимон макарон маҳсулотларининг бошқа маҳсулотлардан фарқи нимада ва қандай хиллари мавжуд?

11. Ипсимон макарон маҳсулотлари кайси белгилари билан фарқ килади ва қандай турларга бўлинади?

12. Тасмасимон макарон маҳсулотлари кайси белгилари билан фарқ килади ва улар қандай турларга бўлинади?

13. Шаклдор макарон маҳсулотлари кайси белгилари билан фарқ килади ва уларнинг ўлчамларига қандай талаблар кўйилади?

14. “Спагетти” сўзи нимани англатади?

15. Ҳом ашёни ишлаб чиқаришга тайёрлаш қандай амалга оширилади?

16. Макарон ҳамирини тайёрлаш қандай амалга оширилади?

17. Макарон ҳамирига шакл бериши қандай амалга оширилади?

18. Макарон маҳсулотларини советиш қандай килиб ва нима учун амалга оширилади?

19. Макарон маҳсулотларини қадоқлаш ва жойлаш қандай амалга оширилади?

II б о б. МАКАРОН ХАМИРИНИ ТАЙЁРЛАШ ВА ПРЕССЛАШ

1-§. МАКАРОН ХАМИРИНИ ТАЙЁРЛАШ

Макарон хамири таркибига кўра, унли маҳсулотлар ишлаб чиқаришда кўлланиладиган барча хамирлар (нон, бисквит ва бошқалар) орасида энг оддийсидир. Сув ва ун хамирнинг асосий ва кўпчилик ҳолларда ягона компонентлари хисобланади. Хамирга кичик микдордаги кўшимчаларни кўшиш эса хамирнинг хоссалари ва тавсифига кам таъсир килади.

Макарон хамирини коришда, масалан, нон хамирини коришдагига нисбатан кам микдорда сув кўшилади. Бу микдор уннинг асосий компонентлари бўлган крахмал ва оқсилилар сингдириб оладиган сув микдорининг фракатина ярмисини ташкил қиласи. Шунинг учун шартли равишида кориш деб аталаидиган ун ва сувнинг аралаштиришдан кейин, макарон хамири биз тасаввур қилганимиздек боғланган пластик хамир шаклида эмас, балки намланган ушоклар ва кумоқчалар кўринишида бўлади. Зичланган ковушқоқ-пластик хамир эса, бу сочиувчан массага бундан кейинги ишлов бериш жараённида, яъни макарон хамирини шнекли камерасида катта босим остида преслаш натижасида хосил килинади.

Макарон хамирининг рецептураси. Макарон хамирининг рецептураси уннинг сифати, маҳсулот тури, куритиш усули ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Рецептурада куйидагилар кўрсатилади: ун ва сувнинг микдори ва ҳарорати, хамирнинг намлиги ва ҳарорати, кўшимчали маҳсулотлар ишлаб чиқаришда эса кўшимчаларнинг дозалари.

Одатда сув ва кўшимчаларнинг микдори 100 кг унга хисобланган ҳолда келтирилади.

Зарур ҳолларда рецептурада иккиласи қайта ишлаш учун ун массасига нисбатан 10–15% дан кўп бўлмаган микдорда чикиндилардан кўшиш кўзда тутилиши мумкин.

Хамирни кориш усуллари. Дастлаб хамирнинг намлиги белгиланади. Уннинг катталигига кўра макарон хамирини кориш уч хилга бўлинади:

16

- қаттиқ, хамирнинг намлиги 28–29%;
- ўрта, хамирнинг намлиги 29,1–31%;
- юмишқоқ, хамирнинг намлиги 31,1–32,5%.

Клейковинасининг микдори кам бўлган ундан фойдаланилганда юмшоқ коришдан, клейковинаси ёпишқоқ, чўзилувчан ундан фойдаланилганда қаттиқ хамир кориш максадга мувофиқдир.

Калта маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ва кассетада куритиладиган макарон ишлаб чиқаришда қаттиқ ёки ўртача қаттиқ, осиб куритиладиган узун маҳсулотлар ишлаб чиқаришда эса, ўртача ёки юмшоқ хамир кориш усуллари кўлланилади.

Шунни таъкидлаб ўтиш лозимки, хамирда нам қанчалик кўп бўлса, уннинг заррачалари шунчалик текис намланади, хамир шунчалик пластик бўлади ва хамирга осон шакл берилади. Аммо, намлиги паст хамир йирик кумоқларсиз ушоксимон структурага эга бўлади, шнекли камеранинг парраклари орасидаги бўшликини яхши тўлдиради, шаклини яхши сақлайдиган, ёпишмайдиган ва эгилмайдиган нам маҳсулотлар хосил киласи.

Хамирнинг берилган намлиги ва уннинг намлигига қараб хамир коришга сарфланадиган сувнинг керакли микдори (С, л) куйидаги формула билан хисобланади:

$$C = Y (W_x - W_y) / (100 - W_x),$$

бу ерда Y – ун микдори, кг;

W_x ва W_y – мос тарзда хамир ва уннинг намлиги, %.

Хамир кориш учун ишлатиладиган сув микдорини тезроқ аниқлаш учун 3–жадвалда келтирилган маълумотлардан фойдаланиш мумкин.

Хамирнинг коришдан кейинги ҳарорати 40°C дан ошмаслиги керак. Бундай ҳарорат шу билан асосланади, макарон хамирини кориш ва шакл беришининг анъанавий тартибларига кўра, хамирнинг ҳарорати матрицалар олдида 50°C дан ортиқ бўлмаслиги лозим, шнекли камерада преслаш вактида эса хамир ўртача 10°C га кизиди. Шундан келиб чиқиб сувнинг ҳарорати аниқланади.

БИБЛИОСТЕКА
Бух. ТИП и ЛП
№ 74583

2 - 313

17

Хамирнинг белгиланган ҳарорати ва уннинг ўлчанган ҳароратига кўра хамир коришга ишлатиладиган сувнинг ҳарорати қўйидаги формула билан ҳисобланади:

$$T_c = (X t_x c_x - Y t_y c_y) / (B c_z),$$

бу ерда T – хамирнинг массаси, кг ($T=Y+C$);

t_x, t_y – мос тарзда хамир ва уннинг ҳарорати, $^{\circ}\text{C}$;

c_x, c_y – хамир ва уннинг солиштирма иссиқлик сиғими, $\text{Ж}/(\text{кг}\cdot\text{К})$, 4 ва 5-жадвалларда келтирилган маълумотлардан фойдаланилади;

c_z – сувнинг солиштирма иссиқлик сиғими, 4187 $\text{Дж}/(\text{кг}\cdot\text{К})$.

Кориш вақтіда кўшиладиган сувнинг ҳароратига кўра макарон хамирини кориш уч хилга бўлинади:

- иссик, сувнинг ҳарорати $75-85\ ^{\circ}\text{C}$;
- илик, сувнинг ҳарорати $55-65\ ^{\circ}\text{C}$;
- совуқ, сувнинг ҳарорати $30\ ^{\circ}\text{C}$ дан паст эмас.

Кўпинча илик коришдан фойдаланилади. Иссик коришдан унда жуда қайишқоқ клейковина (30% дан ортиқ) мавжуд бўлганида, совуқ коришдан эса кам микдорда кучсиз клейковина мавжуд бўлганида, ун жуда иссик бўлганида, шнекли камеранинг ёмон ҳолатда бўлганлигига ва ҳароратнинг ортиб кетишига сабаб бўлган ҳолларда фойдаланилади.

Бойитувчи ва таъм берувчи кўшимчаларни ишлатиб макарон маҳсулотларини ишлаб чиқарилиганда бу хом ашёларни микдори ҳам рецептурала кўрсатилиади. Саноат микёсида макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кўлланиладиган кўшимчаларнинг микдори 6-жадвалда келтирилган. Ишлаб чиқариш корхонасида кўшимчалар захирасининг микдорига кўра макарон маҳсулотларини келтирилган уч вариантинг бирни бўйича ишлаб чиқариш мумкин.

3-жадвал

100 кг ундан хамир кориш учун сувнинг сарфи, л

Уннинг намлиги, %	Хамирнинг намлиги, %								
	29,0	29,5	30,0	30,5	31,0	31,5	32,0	32,5	33,0
10,5	26,0	27,0	27,9	28,8	29,7	30,6	31,6	32,6	33,6
10,6	25,9	26,8	27,7	28,6	29,6	30,5	31,5	32,4	33,4
10,7	25,8	26,7	27,6	28,5	29,4	30,4	31,3	32,3	33,3
10,8	25,6	26,5	27,4	28,3	29,3	30,2	31,2	32,1	33,1
10,9	25,5	26,4	27,3	28,2	29,1	30,1	31,1	32,0	33,0
11,0	25,4	26,2	27,1	28,1	29,0	29,9	30,9	31,8	32,8
11,1	25,2	26,1	27,0	27,9	28,8	29,8	30,7	31,7	32,7
11,2	25,1	26,0	26,9	27,8	28,7	29,6	30,6	31,6	32,5
11,3	24,9	25,8	26,7	27,6	28,6	29,5	30,4	31,4	32,4
11,4	24,8	25,7	26,6	27,5	28,4	29,3	30,3	31,3	32,3
11,5	24,6	25,5	26,4	27,3	28,3	29,2	30,2	31,1	32,1
11,6	24,5	25,4	26,3	27,2	28,1	29,0	30,0	31,0	32,0
11,7	24,4	25,2	26,1	27,0	28,0	28,9	29,9	30,8	31,8
11,8	24,2	25,1	26,0	26,9	27,8	28,8	29,7	30,7	31,6
11,9	24,1	25,0	25,8	26,8	27,7	28,6	29,7	30,5	31,5
12,0	23,9	24,8	25,7	26,6	27,5	28,5	29,4	30,4	31,3
12,1	23,8	24,7	25,6	26,5	27,4	28,3	29,3	30,2	31,2
12,2	23,7	24,5	25,4	26,3	27,2	28,2	29,1	30,1	31,0
12,3	23,5	24,4	25,3	26,2	27,1	28,0	29,0	29,9	30,9
12,4	23,4	24,2	25,1	26,0	27,0	27,9	28,8	29,8	30,8
12,5	23,2	24,1	25,0	25,9	26,8	27,7	28,7	29,6	30,6
12,6	23,1	24,0	24,9	25,7	26,7	27,6	28,5	29,4	30,5
12,7	23,0	23,8	24,7	25,6	26,5	27,4	28,4	29,3	30,3
12,8	22,8	23,7	24,6	25,4	26,4	27,3	28,2	29,2	30,2
12,9	22,7	23,5	24,4	25,3	26,2	27,2	28,1	29,0	30,0
13,0	22,5	23,4	24,3	25,2	26,1	27,0	27,9	28,9	29,9
13,1	22,4	23,3	24,1	25,0	25,9	26,9	27,8	28,7	29,7
13,2	22,2	23,1	24,0	24,9	25,8	26,7	27,6	28,6	29,6
13,3	22,1	23,0	23,8	24,7	25,6	26,6	27,5	28,4	29,4
13,4	22,0	22,8	23,7	24,6	25,5	26,4	27,4	28,3	29,3
13,5	21,8	22,7	23,6	24,5	25,4	26,3	27,2	28,1	29,1
13,6	21,7	22,6	23,4	24,3	25,2	26,1	27,1	28,0	29,0
13,7	21,5	22,4	23,3	24,2	25,1	26,0	26,9	27,8	28,8
13,8	21,4	22,3	23,1	24,0	24,9	25,8	26,8	27,7	28,7
13,9	21,3	22,1	23,0	23,9	24,8	25,7	26,6	27,6	28,5
14,0	21,1	22,0	22,9	23,7	24,6	25,5	26,5	27,4	28,7
14,1	21,0	21,8	22,7	23,6	24,5	25,4	26,3	27,3	28,2
14,2	20,8	21,7	22,6	23,4	24,3	25,2	26,2	27,1	28,1
14,3	20,7	21,6	22,4	23,3	24,2	25,1	26,0	27,0	27,9
14,4	20,6	21,4	22,3	23,2	24,1	25,0	25,9	26,8	27,8

3-жадвалнинг давоми

Уннинг намлиги, %	Хамирнинг намлиги, %								
	29,0	29,5	30,0	30,5	31,0	31,5	32,0	32,5	33,0
14,5	20,4	21,3	22,1	23,0	23,9	24,8	25,7	26,7	27,6
14,6	20,3	21,1	22,0	23,9	23,8	24,7	25,6	26,5	27,5
14,7	20,1	21,0	21,9	22,7	23,6	24,5	25,4	26,4	27,3
14,8	20,0	20,8	21,7	22,6	23,5	24,3	25,3	26,2	27,2
14,9	19,9	20,7	21,6	22,4	23,3	24,2	25,1	26,1	27,0
15,0	19,7	20,6	21,4	22,3	23,2	24,1	25,0	25,9	26,9
15,1	19,6	20,4	21,3	22,2	23,0	23,9	24,8	25,8	26,7
15,2	19,4	20,3	21,1	22,0	22,9	23,8	24,7	25,6	26,6
15,3	19,3	20,1	21,0	21,9	22,8	23,6	24,6	25,5	26,4
15,4	19,2	20,0	20,9	21,7	22,6	23,5	24,4	25,3	26,3
15,5	19,0	19,9	20,7	21,6	22,5	23,4	24,3	25,2	26,1

4-жадвал

Макарон хамири солиштирма иссиқлик сифимининг
хамир намлигига боғликлити

Намлик, %	Солиштирма иссиқлик сифими, Ж/(кг · К)	Намлик, %	Солиштирма иссиқлик сифими, Ж/(кг · К)
28,0	2365	30,5	24,28
28,5	23,78	31,0	2440
29,0	2390	31,5	24,53
29,5	2403	32,0	2466
30,0	2415	32,5	2478

5-жадвал

Ун солиштирма иссиқлик сифимининг ун
намлигига боғликлити

Намлик, %	Солиштирма иссиқлик сифими, Ж/(кг · К)	Намлик, %	Солиштирма иссиқлик сифими, Ж/(кг · К)
10,0	1915	12,5	1980
10,5	1925	13,0	1990
11,0	1940	13,5	2000
11,5	1955	14,0	2015
12,0	1960	14,5	2025

Намлиги 14,5% бўлган 100 кг унга қўшимчаларнинг
сафланадиган меъёлари

Махсулотлар ва қўшимчалар	Вариантлар		
	I	II	III
Тухумли			
Товук тухуми, дона	250	-	-
Мелланж, кг	-	10	-
Тухум кукуни, кг	-	-	2,75
Тухумли бойитувчилар миқдори оширилган			
Товук тухуми, дона	380	-	-
Мелланж, кг	-	15,2	-
Тухум кукуни, кг	-	-	4,18
Сабзавот қўшимчали			
Томат пастаси, кг	10	-	-
Томат маҳсулотлари кукуни, кг	-	3,25	-
Шпинат (шовул) кукуни, кг	27	-	-
Сабзи (лавлаги) шарбати, кг	28	-	-
Сутли			
Табиий курук сут, кг	8	-	-
Ёғсизлантирилган курук сут, кг	-	8	-
Ёғсиз творог, кг	-	-	24

6-жадвалда қўшимчаларнинг дозаси уннинг 14,5% намлигини хисобга олган ҳолда кўрсатилган. Уннинг намлиги бошқача бўлганида қўшимчалар миқдорини (100 кг ун учун) кўйидаги формуладан фойдаланиб қайтадан хисоблаш керак.

$$\Delta = \Delta_{14,5} (100 - W_y) / (100 - 14,5) = \Delta_{14,5} (100 - W_y) / 85,5,$$

бу ёрада $\Delta = 100$ кг унга мўлжалланган қўшимчаларнинг миқдори, кг (дона ёки г);

$\Delta_{14,5}$ – намлиги 14,5% бўлган 100 кг унга мўлжалланган қўшимчаларнинг миқдори, кг (дона ёки г), 6-жадвалдан олинади;

W_y – уннинг намлиги, % (лаборатория текширишлари маълумотлари бўйича).

Қўшимчалар намлиги кўпчилик ҳолларда уннинг намлигидан фарқ қилганили учун, ҳамир қориш учун сувнинг миқдорини қўшимчаларнинг миқдори намлигини хисобга олган ҳолда амалга ошириш керак; агар қўшимчаларнинг намлиги уннинг намлигидан юкори бўлса, ҳамир қоришда кам миқдорда сув қўшиш керак ва аксингча. Бундай ҳолларда сувнинг миқдори (л) қўйидаги формуладан фойдаланиб аниқланади:

$$C = ((Y (W_x - W_y) + K (W_x - W_k)) / (100 - W_x) ,$$

бу ерда Y – уннинг миқдори, кг;

W_x, W_y, W_k – ҳамир, ун ва қўшимчаларнинг намлиги, % (тovук тухумининг намлиги 75 % га тенг деб олинади. қолган барча қўшимчаларнинг намлиги лаборатория текширишларидан аниқланади);

K – қўшимчаларнинг миқдори, кг.

Охирида қўшимчаларни тайёрлаш мосламасининг бакига бир марта солинадиган қўшимчаларнинг миқдори хисобланади (кг, дона ёки г).

$$D_s = VD / B ,$$


бу ерда V – қўшимчаларни тайёрлаш учун қурилманинг бакига солинадиган сувнинг миқдори, л.

Макарон маҳсулотлари ҳамирини қориш жиҳозлари. Макарон ҳамирини тайёрлаш икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқич ҳамир аралаштиргичларда амалга оширилиб, бунда компонентлар ушоқсимон масса ҳосил бўлганича тинимсиз аралаштирилади. Иккинчи босқичда ушоқсимон масса пресснинг шнекли каналида босим остида зичланиб ва пластикланиб, шакл бериш учун керакли бўлган структура ва хоссаларга эга бўлади. Ҳамир тайёрлаш, уни зичлаштириш ва ҳамирга шакл бериб нам маҳсулотларни ҳосил қилиш, замонавий макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида шнекли прессларда амалга оширилади. Макарон прессларининг таркибига пресслаш қурилмасидан ташқари, ун ва сув дозаторлари, ҳамир аралаштиргичлар ҳам киради.

Компонентларни аралаштириш ҳамда вакуумлаштириш

жойига караб, ҳамир аралаштиргичлар битта ёки кетма-кет ўрнатилган бир нечта камераларга эга бўлиши мумкин.

Бир камерали ҳамир аралаштиргичлар (б, а-расм) тармоқда энг кўп тарқалган ва новвойлик унидан макарон ҳамири тайёрлаш учун қўлланилади. Машинанинг ишчи органи бўлиб, винт чизиги бўйлаб кураклар, бармоклар ва итаргич қотирилган горизонтал вал ҳисобланади. Куракларнинг жойлашган ўрнини ва уларнинг бурилиш бурчигини вал айланиш ўқига нисбатан ўзгартириб қориш давомийлигини 10 минутгача ошириш мумкин. Янада ихчамроқ бўлиши учун бир камерали ҳамир аралаштиргичлар прессловчи шнек билан битта узатмадан харакатга келтирилади.



б-расм. Ҳамир аралаштиргичларнинг принципал схемалари.

Замонавийроқ бир тоғорали аралаштиргичли ЛПЛ-2М маркали пресс, 12–14 Ж/соат солиштирма ишни таъминловчи 82 айл/мин. айланиш частотасига эга.

Бир тоғорали ҳамир аралаштиргичларнинг асосий камчилиги қориш давомийлигининг қисқалиги бўлиб, бу ёрмачасимон макарон унидан фойдаланилганда максадга мувофик ҳисобланмайди.

Икки камерали хамир аралаштиргичлар (б, б-расм) алохиди қориш валларига эга бўлган иккита параллел ўрнатилган камералардан иборат. Хамир биринчи камерадан иккинчисига қўзғалувчи тўсик билан ёпиладиган тўғри бурчакли тешик орқали ўтади. Иккинчи камеранинг охирда, унинг тубида, хамирни шнекли камерага узатиш учун тўғри бурчакли тешик мавжуд. Айланни частотаси 90 айл/мин, хамир кориши давомийлиги 14 минутдан ортик эмас. Хамир аралаштиргичнинг камчилиги қориш пайтида хамирни вакуумлаштиришнинг мавжуд эмаслиги хисобланади.

Уч камерали хамир аралаштиргичлар (б, в, г-расм) – замонавийрок жихоз хисобланади. 20 минутгача давом этадиган кориши вақтнинг канталиги ва коришининг икки босқичга ажратилганлиги туфайли юкори самарадорликка эгалиги билан фарқ килади. Иккинчи босқичда қориш вакуумлаш жараёни билан бирга амалга оширилади. Камераларнинг конструкцияси, уларнинг жойлашуви ҳамда қориши валлари айланни частотасининг турличалиги ҳаво кўшимчаларисиз бир жинсли ушоқсимон структурали хамир массасини ҳосил қилиш имкониятини беради.

Б6-ЛПШ-500 прессининг (б, в-расм) хамир аралаштиргичида юкориги биринчи камера ун ва сувни дастлабки аралаштириш учун, иккинчи ва учинчиси хамирга вакум остида ишлов бериш учун хизмат қилади. Бунинг учун биринчи ва иккита пастки камералар орасига роторли таъминлагич ўрнатилган.

Б6-ЛПШ-1000 прессида (б, г-расм) хамир аралаштиргич иккита қориши валли иккинчи камерага эга бўлиб, ундан хамир роторли таъминлагич ёрдамида учинчи камерага – хамирга вакум остида ишлов бериш учун узатилади, бунда иккита камера параллел, учинчиси уларга перпендикуляр жойлашган. Охирги камеранинг бундай жойлашуви хамирни икки қарама-қарши йўналищдаги оқимда иккита пресслаш курилмасига текис тақсимланиши имкониятини беради.

Компонентларни жадал аралаштирувчи хамир аралаштиргичлар (б, д, е-расм). Аралаштириш цилиндрисон шаклдаги маҳсус сифимларда, айланни частотаси катта бўлган парракли валлар ёрдамида ҳосил

килинаётган марказдан кочувчи кучлар таъсири остида содир бўлади. Масалан, “Кобра-400Ч” хамир аралаштиргичида корувчи валнинг айланни частотаси 560 айл/мин., аралаштириш давомийлиги 5 секундгача. Бу хамир аралаштиргичнинг бошқа фарқли томони – қориш валларининг мураккаб ҳаракатланиши бўлиб, бунда қориш валлари ўқ атрофида 60 айл/мин. айланма ҳаракат қилиш билан бирга, қадамининг частотаси 12 мин ва амплитудаси 60 мм бўлган илгарилмана-қайтма ҳаракат ҳам қиласи. Бу билан хамирга яхши ишлов бериш ва кураклар ёрдамида тогоранинг ички юзасини ёпишиб қолган хамирдан узлуксиз тозалашга эришилади. Хамирга вакуумли ишлов бериш охирги тогорада амалга оширилади.

Макарон маҳсулотлари хамирини кориш. Макарон хамирини кориши макарон прессларининг хамир аралаштиргичларида амалга оширилади. Ун ва сув хамир аралаштиргичга узлуксиз ишловчи дозаторлар ёрдамида берилади.

Коришидан олдин дозаторларнинг ишлари назорат килинади. Бунинг учун 2–3 минут давомида дозаторлар томонидан хамир коргич тогорасига берилади. Бундан кейин зарур ҳолларда дозаторларни тўғрилаш амалга оширилади.

М и с о л. Хамир қориши рецептурасига биноан ҳар бир 100 кг ун учун хамир коргичта 29,4 л сув берилishi керак.

Ун ва сув дозаторлари ишини назорат қилиш шуни кўрсатдики, ҳар бир 9,62 кг учун хамир коргича 3,01 кг сув бериляпти. Шундай қилиб ҳар бир 100 кг унга $(3,01 \cdot 100) / 9,62 = 31,3$ л, яъни рецептурада кўрсатилганидан $31,3 - 29,4 = 1,9$ л кўп сув берилмоқда. Демак, сув микдорини камайтириш учун сув дозатори ишини ростлаш керак.

Кўшимчали макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кўшимчалар дастлаб сувда эритилади ёки сувли эмулсия тайёрланади ва сув дозатори орқали берилади.

Микроорганизмларнинг, шу жумладан салмонелла туридаги патоген микроорганизмларнинг ривожланиши учун қуляй мухит бўлиб хизмат киладиган тухумли кўшимчалардан фойдаланишганда кўшимчаларни тайёрлаш

бўлимида керакли санитария шароитлари таъминланиши керак. Бунинг учун идишлар ва жихозларни ювиш ва тозалаш хар бир сменанинг охирида амалга оширилади.

Ун ва сув дозаторлари ростланганидан кейин ҳамир қоргич ишга туширилади. Бунда ҳамирнинг биринчи қисмлари яхши қорилиши учун биринчи тогора чиқиш тешигининг копкоғи, ҳамир қоргичнинг тогораси ҳажмининг 1/2 – 1/3 қисми тўлгунича ёпик туриши керак. Бундан кейин қопқок очилади ва ҳамир кейинги тогорага берилади ва яна қорилади (кўп тогорали ҳамир қоргичларда) ёки шнекли камерага (бир тогорали прессларда) берилади.

Ҳамир қориш вактида ун крахмали донлари ва оқсилларининг аста-секинлик билан бўкиши ҳамда намликтининг ҳамир массаси бўйлаб бир текис тақсимланиши содир бўлади.

Ун ва сув кўшилишининг дастлабки дақиқаларида сувнинг асосий массаси крахмал томонидан ютилади. Кейинги арапаштириш вактида намликтининг ун оқсил мoddалари томонидан сўриб олиниши содир бўлади, бунда намлик нафакат адсорбцион тарзда, балки осмотик тарзда ҳам боғланади. Айнан сувнинг ана шу осмотик боғланishi оқсилларнинг бўкишига олиб келади. Аммо намликтининг танқислиги боис қисман намланган оқсиллар билан клейковинининг шаклланиши содир бўлмайди. Шунинг учун компонентларнинг узок вакт арапаштирилгандан кейин ҳам, макарон ҳамири алоҳида кумоклар ушоклар кўринишида бўлади. Ҳамирни қориш вактида қисман шаклланган клейковинининг елимловчи, боғловчи коссалари ҳамирга кейинги ишлов бериш вактида – уни пресснинг шнекли камерасида зичлашиб натижасида намоён бўлади. Бунда ёрмачасимон макарон унидан тайёрланган ҳамир новвойлик унидан тайёрланган ҳамирга нисбатан коришни узокрок давом эттиришни талаб қиласи, чунки ёрмачасимон каттиқ ва йирик заррачаларга намликтининг сингиши новвойлик унининг кичик заррачаларига нисбатан секинроқ боради.

Ёрмачасимон каттиқ буғдой унидан макарон маҳсулотлари тайёрлашда ҳамирни қориш давомийлиги

20 миндан кам бўлмаслиги керак. Бундай давомийликни Б6-ЛМВ, Б6-ЛМГ ва "Braibanti" фирмаси автоматик узлуксиз линиялари таркибига кирувчи шнекли макарон прессларининг уч тогорали ҳамир арапаштиригичлари таъминлаши мумкин.

Хозирча бизнинг корхоналаримизда 8–9 мин. давомийликда қоришга мўлжалланган бир тогорали ЛМП пресслари ва 13–14 мин. ҳамир қоришга мўлжалланган икки тогорали ЛМБ пресслари қўлланилади. Бу прессларнинг ҳамир арапаштиригичлари ёрмачасимон унлардан ҳамир корилганда, намлик ҳамирнинг бутун массаси бўйлаб текис тақсимланишига улгурмайди. Натижада ҳамирни пресслаш вактида крахмал донларининг оқсил заррачалари билан мустаҳкам елимланиши, яъни мустаҳкам клейковина скелти хосил бўлишиб содир бўлмайди. Прессланган маҳсулотлар етарлича пластикларка эга бўлмайди, уларнинг юзасида маҳсулот ташки кўринишини ёмонлаштирувчи очик рангдаги намланмаган ва қорилмай колган заррачалар мавжуд бўлади. Шунинг учун бир тогорали прессларда ишлаганди асосан новвойлик унидан фойдаланиш максадга мувофиқиди.

Унга ҳарорати 40–60°C бўлган сувни кўшиши ун таркибида мавжуд бўлган ферментлар фаолиятининг бошланишига ёрдам беради. Аммо макарон ҳамирини кориш киска давомийлиги бирон-бир биокимёвий жарайёнлар содир бўлиши учун етарли бўлмайди; бу жарайёнлар маҳсулотларни куритиш вактидагина содир бўлади.

Макарон ҳамирини қориш вактида қўшиладиган сув миқдори уннинг крахмали ва оқсил мoddаларининг тўлиқ бўкиши учун етарли бўлмаганлиги сабабли, ҳамир қоришнинг охирига келиб алоҳида намланган кумокчалар ва заррачалар кўринишида бўлади. Худди шу кўринишида макарон ҳамири пресснинг шнекли камерасига келиб тушади.

Ҳамирни вакуумлаш. Босими 20 МПа га етадиган гидравлик прессларда макарон ҳамирини пресслашда зич ва мустаҳкам маҳсулотлар олиш таъминланган. Аммо

узлуксиз ишловчи шнекли макарон пресслариға ўтилганда пресслаш босими 5–7 МПа гача пасайиши содир бўлди. Бундай босим прессланадиган хамирдан хавонинг етарлича ажратилишини таъминлай олмайди. Натижада катта микдорда ҳаво пуфакчаларига эга бўлган маҳсулотлар хосил бўлиб, бу куруқ маҳсулотларнинг механик мустахкамлигини пасайтиради ва уларнинг рангини (шаффоформаслиги туфайли) ёмонлаштиради. Маҳсулот сифатини яхшилаш учун хамирни вакуумлаштириш, яъни ундан ҳавони сўриб олиш ўйла кўйилди.


Хамирни вакуумлаштириш кориш боскичидан, автоматик узлуксиз линияларнинг прессларида (Б6-ЛМВ, Б6-ЛМГ ва "Braibanti", "Pavan" – италян фирмалари), ёки пресслаш жараёнида (ЛМБ, ЛПЛ прессларида) амалга оширилади. Вакуумлаштиришнинг биринчи усули самарали ҳисобланниб, бунда говак ушоқсимон хамир массасидан ҳавони етарлича ажратиб олиш имконияти яратилади. Шнекли камерада прессланган зич хамирдан ҳавони ажратиб олиш кам самарали, шу билан бирга ҳавони сўриб олиш учун мўлжалланган тешиклар тез-тез хамир билан тўлиб қолади. Керакли самарага эришиш учун вакуумнинг қиймати 0,05 МПа дан паст бўлмаслиги керак. Замонавий прессларда бу қиймат 0,09 МПа га етади.

2-§. МАКАРОН ХАМИРИНИ ПРЕССЛАШ

Хамирнинг шнекли макарон пресси бўйлаб ҳаракати. Макарон маҳсулотлариға шакл бериш жараёни билан танишиш учун соддарок тузилган ва корхоналарда кенг таркалган юмалок матрициали, бир тогорали ва бир шнекли макарон прессининг технологик схемасини кўриб чиқдимиз (7-расм). Пресснинг технологик қисмларига ун ва сув дозаторлари 1 ва 2, парракли вал 4 ва тогора 3 дан иборат хамир аралаштиргич, сув кўйлакли 8 шнекли цилиндр 6, шнек 7 ва алмаштириладиган матрициали 10, пресслаш бошчаси 9 дан иборат бўлган пресслаш курилмаси киради. Хамир аралаштиргич ва шнек валларини ҳаракатга келтириш одатда ягона узатма 5 дан амалга оширилади.

28

Ун ва сув маълум нисбатда узлуксиз оқим билан дозаторлар ёрдамида хамир кориш тогорасига берилади. Бу ерда компонентлар вал ўқита перпендикуляр бўлган юзага нисбатан маълум бир бурчакка бурилган холда ўрнатилган парраклар билан тутиб олинади, аралаштирилади ва хамир кориш тогорасининг қарама-қарши томонига аста-секинлик билан сурилади. Коришнинг охирида хосил бўлган ушоқсимон ёки кумоқсимон хамир массаси ўтказиши тешиги орқали пресслаш курилмасининг шнекли цилинтрига келиб тушади.



7-расм. Шнекли макарон прессининг технологик схемаси.

Пресслаш курилмасининг асосий ишчи органи шнек ҳисобланади. Хамир айланувчи шнекнинг биринччи қисми парраклари билан ушлаб олинади ва камера бўйлаб ҳаракатланади. Бу қисмда шнек сочилиувчан маҳсулотни кўчирувчи транспорт механизми сингари ишлайди.

Кейин хамир зарралари аста-секинлик билан бир-бири оғига яқинлашиб сикилади. Массасининг зитчланиши содир бўлади. Хамир зарралари орасидаги ёриклар ва ораликларни тўйдирган ҳаво шнекли камеранинг юклаш тешигига томон сикиб чиқарилади. Босим нолдан максимал қийматига қадар ошиб боради ва хамир зич боғланган массага айланади.

29

Бу күренишдаги хамир шнек билан пресснинг матрица камерасига суралади, матрицанинг қаршилигини енгіб, унинг шакл берувчи каналлари орасидан шакл берилған макарон маҳсулотлар калавалари холида сиқиб чикарилади.

Прессланган хамирининг матрица томонға күчиши вақтіда нафакат унинг шнекли камера ва шнекнинг парракларига ишқаланиши, балки хамир қатламларининг бир-бирига ишқаланиши ҳам содир бўлади. Бу, шнек билан матрицага суріп берилётган хамирининг 20 % га яқини тирқишилар орқали сиқиб чикарилиши билан тушунтирилади. Колтган хамир массаси шнекнинг парраклари орасидаги бўшлиққа қайтишга ҳаракат қилиб матрица камерасида айланиб туради. Бу ишқаланиш натижасида хамирининг ҳарорати 10–20°C га ортади. Агар шнекнинг парраклари ва шнекли камеранинг ички девори орасидаги масофа 0,5 мм дан ортиқ бўлса (бу эса шнек парракларини ейилиши натижасида юзага келади), хамирининг кучли ишқаланиши содир бўлади. Бу ҳолларда хамир тескари томонға қараб жадал равишда ҳаракатланади.


Хамирининг ҳароратини пасайтириш учун шнек ишлаётган вақтда шнекли камеранинг пресслаш бошчасига туташган сув кўйлагига совук сув берилади. Пресс узок вақт тўхтатилганида, пресслашни бошлиғдан олдин сув кўйлагидан шнекли камерани киздириш учун фойдаланилади.

Маҳсулотларга шакл бериш. Матрицалар. Уларнинг турлари.

Матрица прессловчи курилма билан биргаликда макарон прессининг асосий ишчи органды ҳисобланади. У пресснинг унумдорлигини, макарон маҳсулотларининг турини (шакли ва кўндаланг кесимининг ўлчамлари) белтигилайди, маҳсулот сифатига (юзасининг дағаллигига, макарон найчаларининг мустахкамлигига) сезиларли даражада таъсир кўрсатади.

Матрицалар коррозияга учрамайдиган, етарлича мустахкамликка ва ейилишга чидамлилар хусусиятларига эга бўлган металлардан тайёрланади. Фосфорли бронза, латун, занглашмайдиган пўлат шундай металлар қаторига киради.

Матрицалар икки хилда бўлади: юмалоқ (дисксимон) ва тўғри бурчакли (8-расм). Юмалоқ матрицалар ёрдамида узун ва киска макарон маҳсулотларининг барча турларига шакл берилади. Тўғри бурчакли матрицалар маҳсулотлар осиб куритиладиган автоматлаштирилган линияларда ишлаб чикарилаётган узун макарон маҳсулотларига (макаронлар, вермишёл, утра) шакл беришда кўлланилади.



8-расм. Шнекли макарон прессларининг матрицалари:
а, б, в—думалоқ; г, д—тўғри бурчакли матрицалар.

Юмалоқ матрицалар қалинлигига қараб, таяңч күрілмаларисиз (матрицалар қалинлиги 60 мм атрофидә бұлғанида, 8-а расм) ёки таяңч күрілмалар – панжаралар (матрицалар қалинлиги 22–28 мм бұлғанда, 10-б, в расм) билан биргаликда ишлатилади.


Тұғри бурчаклы матрицалар бир йүлли (10-г расм) ва икки йүлли (10-д, расм) бұлади. Тұғри бурчаклы матрицаларнинг ўлчамлари (мм): узунлиги 995, кенгілігі 100, қалинлиги 30–50.

Шакл берувчи тешикларининг түзилиши ва конструкциясыга күра матрицалар иккита асосий тұрга бўлинади:

- тешиги вкладышли – найсимон ва мураккаб шаклдор маҳсулотларга шакл бериш учун;
- тешиги вкладышсиз – найсимон маҳсулотлардан ташкари барча турдаги маҳсулотларга шакл бериш учун.

Вкладышли матрицалар конструкциясыга кўра, мураккаб түзилишга эга ва иккита асосий элементдан ташкил топган: матрица корпусига пармаланган шакл берувчи тешик ва тешикка маҳкамланган вкладиш. Найсимон маҳсулотларга шакл беришга мўлжалланган думалоқ матрица тешикларининг ён кўрининиши 9-а, расмда кўрсатилган. Тешикнинг шакл берувчи канали кўйидаги элементлардан иборат: вкладыш 4 нинг марказлаштирувчи елкалари (9-б, расм) прессланган кириш камераси 1, ўтиш кисми 2 ва вкладишнинг оёқчаси 5 жойлашган шакл берувчи тирқиши 3.

Кириш камераси энг катта диаметрга эга ва шунинг учун матрицадаги мумкин бўлган тешиклар сонини белгилайди. Тешикка суріб берилаётган хамир кириш камерасида марказлаштирувчи елкачалар ёрдамида уcta оқимга тақсимланади. Марказлаштирувчи елкачаларнинг вазифаси – вкладышни матрица тешигиде, оёқчаларининг ўқи тешик ўқи билан мос тушадиган холда ушлаб туришдан иборат. Акс холда шакл берилаётган найчанинг деворлари нотекис қалинликка эга бўлади. Ўта ишончлироқ марказлаштириш учун вкладиш уcta елкали – уч таянчли вкладиш кўрининишида ишлаб чиқарилади (9-б, расм).




9-расм. Найсимон макарон маҳсулотларига шакл берувчи юмалоқ матрица тешигининг конструкцияси:
а-тешикнинг шакли; б-уч таянчли вкладиш;
в-тешикнинг умумий кўрининиши.

Тешикнинг ўтиш кисми 2 да бўлинган оқимларнинг бирлашиши ва уларнинг пресслаш босими остида ва хамир клейковинасининг хоссалари таъсирида хамир найчасига айланиши содир бўлади. Оқимларнинг мустаҳкам елимланиши учун ўтиш кисми керакли баландликка – 9–11 мм га эга бўлиши даркор.

Шакл берувчи тирқишини кўндаланг кесимининг ўлчами макарон найчасининг диаметрни белгилайди. Шакл берувчи тирқиши энг кичик диаметрга эга бўлади, шунинг учун у пресслаш тезлигига сезиларни даражада таъсир кўрсатади. Шакл берувчи тирқишининг баландлиги иложи борича камрок, аммо прессланадиган хамир найчаси ташки диаметрга эга бўлиши ва бўйламасига тикишларни мустаҳкам елимлаши учун етарли бўлиши керак. Амалда металл матрицалар шакл берувчи тирқишининг баландлиги 3 мм га teng.


Прессланадиган найчанинг ички диаметри вкладиш оёқчалари диаметри билан белгиланади.



10-расм. Найсимон макарон маҳсулотларига шакл берувчи тұғри бурчаклы матрица тешигининг конструкцияси:
а-тешикнинг шакли; б-найчасимон вкладиш втулка билан; в-тешикнинг умумий кўрининиши.

Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи автоматлаштирилган узлуксиз линияларда кўлланиладиган тўғри бурчакли матрицанинг шакл берувчи тиркиши конструкцияси 10-расмда келтирилган. 10-а, расмдан кўрининиб туриблики, тешик утга зонага эга: кириш камераси 1, ўтиш кисми 2 ва шакл берувчи гиркиш 3. Вкладиш 5 найча кўрининишида тайёланган ва тешикнинг марказий кисмига прессланган втулка 4 билан ушлаб турилади (10-б, расм). Найчанинг иккинчи томони матрица корпусидаги тешик оркали ташқарига чиқарилган. Бу прессланаётган макарон найчасининг тешиги кесиши вақтида ёпилиб қолмаслиги ва маҳсулотларни бастунларга осишида найчалар эгилиш жойидан ёпишмаслиги учун килинган. Втулка хамирни ўтиш кисмига ўтказиш учун бир нечта тешикка эга.

Вкладишиз матрица (вермишел ёки утра тайёлаш учун) тешиклар пармаланган дискдан иборат (11-расм). Кирис камераси 1 га хамир битта оқим бўлиб киради, ундан кейин эса баландлиги 1,5–2 мм бўлган шакл берувчи тиркишдан пресслаб чиқарилади.



11-расм. Вкладишиз матрица тешикларининг конструкцияси: а—вермишел учун; б—угра учун.

Металл матрицалардан фойдаланилганда маҳсулотларнинг сирти хамир матрицалар юзасига ёпишиб колиши натижасида, кўп ёки кам даражада дагал бўлади. Хамир матрица тешигига катламлар ҳолида ҳаракатланиб, бунда катламларнинг ҳаракатланиш тезликлари турлича бўлади. Ёпишиб қолган биринчи катлам эса ёпишиб қолган катламдан ажralиб ҳаракатлана бошлади. Бунда унинг ҳаракатланиш тезлиги камаяди, сиртида эса йиртиклар, ғадир-будурлар хосил бўлади. Хамир пластикларининг ортиши билан юзаси силилор бўлиб борали, чунки хосил бўлган ғадир-будурлар бироз чўзилади.

Хамирнинг ёпишиш даражаси матрица материалига боелик бўлади. Хамир зангламайдиган пўлатдан тайёланган матрицаларга кўпроқ ёпишади, латундан тайёланган матрицаларга камрок, бронзадан тайёланган матрицаларга эса ундан ҳам кам ёпишади. Хамирнинг ёпишиш даражасини камайтириш учун матрицанинг шакл берувчи тешикларининг сирти яхшилаб силликланиши керак.

Ҳозирги замонда силлик юзали маҳсулотлар тайёлаш учун тешикларига хамир ёпишмайдиган пластмасса кўйилган матрицалардан фойдаланилмоқда. Бундай материал сифатида тефлон (фторопласт-4 аналоги) кўлланилмоқда.

Тешикларига тефлон кўйилган матрицалар ёрдамида хамирга шакл берилганда, уннинг сифати, хамирнинг намлиги ва ҳарорати қандай бўлишидан катъий назар макарон маҳсулотлари силлик юзали бўлади. Матрицалар оркали дагал сиртли маҳсулотлар прессланиши эса тефлонларнинг ейилганлигидан дарак беради.

Матрицалардан фойдаланиши қондадарни. Прессларга ўрнатиладиган матрицалар тозалаш учун ёки бошқа турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтиш учун даврий тарзда алмаштирилади. Битта матрицадан одатда бир суткадан ортик фойдаланилмайди.

Доира шаклидаги матрицани ечиб олиш вақтида, уни матрица туткичдан факат ёғоч болға ёрдамида уриб чиқариш керак ёки яхшиси маҳсус сиқиб чиқарувчи ричагдан фойдаланилгани маъкул.

Матрицаларни тозалаш учун макарон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда күйидаги жиҳозлар ўрнатилган маҳсус ювиш бўлмларидан фойдаланилади: матрицаларни намловчи ванна, матрицаларни ювучи машина, матрицаларни ювишдан кейинги тозалигини текширувчи ёргуликли мослама (пюпитр), тоза матрицаларни саклашга мўлжалланган шкаф ёки токчалар, асблолар ва эҳтиёт қисмлар сақланадиган шкаф.

Ечилган матрица ҳарорати 40–50°C бўлган иссиқ сув билан тўлдирилган ваннага бир сутка давомида намлаш учун кўйилади. Ҳамирнинг пишиб қолиб шакл берувчи тешикларни зич беркитиб кўймаслиги учун бундан иссиқроқ сувдан фойдаланилмайди. Ваннани керакли ҳароратдаги сув билан тўлдириш учун унинг юкори қисмига иссиқ ва совук сув қувурлари ўрнатилади. Сувни окова қувурига бўшатиш учун ваннанинг қўйи қисмига тўрли қувур ўрнатилади. Сувли ваннага матрицалар ёнламасига кўйилади.

Матрицалар намлангандан кейин маҳсус машиналарда 10 МПа гача босим остида отилиб турган сув оқимида ювилади. Кейин матрицалар ёргуга яхшилаб кўздан кечирилади. Шакл берувчи тешикларда қолган ҳамир бўлаклари ёғоч таёқча билан слив таштаниб, матрицалар яна машинада ювилади. Тозалантган матрицалар шкафларда ёки токчаларда одатда ёнламасига кўйиб терилади.

Матрица ювучи машина бўлмаган кичик цехларда пресслардан ечиб олинган матрицалар совук сув кўйилган бакларга жойланиб, сув алмаштириб турлатади. Матрицалар сувда 1–2 ҳафта саклангандан кейин сув қувури жўмрагидан тушаётган сув оқимида ювилади.

Агар матрицалардаги вкладишлар бир томонга кийшайган бўлса ёки тешикда кимирлаб турган бўлса, уларни чиқариб олиш, елкаларини катталаштириш ва яна кайтадан тешикка киритиб кўйиши керак. Узун вкладишлар эгов билан эговланиб керакли узунликка етказилади: вкладиш оёқчасининг асоси матрица қўйи текислигидан 0,1 мм узокликда туриши керак.

Матрицаларнинг, айниқса шаклдор маҳсулотларга шакл берувчи матрицаларнинг тешикларини сим, мих ва бошқа каттиқ жисмлар би ан тозаламаслик керак.

Матрицадаги тешикларнинг бирон-бир нұксонини бартараф килишининг иложи бўлмаса, бу тешикларни ҳамир чиқиши томонидан беркитиб кўйиши керак. 10% дан камроқ тешиклари беркитилган матрицалардан фойдаланиш мумкин.

Макарон пресслари. Саноатда турли макарон прессларидан фойдаланилади. Кўйида кенг таркалган ЛПЛ-2М ва ЛПШ-500 шнекли макарон прессларининг умумий тавсифи келтирилган.

ЛПЛ-2М пресси (12-расм). У кўйидаги асосий қисмлардан ташкил топган: дозалаш курилмаси 1, ҳамир арапаштиргич 2 ва шнекли пресс б. Шнекли пресс, ичига узунлиги 1400 мм, диаметри 120 мм, вингларининг қадами 100 мм бўлган прессловчи шнек ўрнатилган цилиндрсизмон корпусдан иборат. Шнекнинг ўртасида вингли парракларда узилиш бўлиб, ҳамирнинг ҳавони ажратишига мўлжалланган канал 5 бўйлаб ҳаракаланишини тъминлагидиган шайба ўрнатилган.


Прессловчи корпуснинг ички томонида узунасига ариқчалар мавжуд бўлиб, улар шнек айланганида ҳамирнинг бурилиб кетишини камайтиради. Прессловчи корпуснинг охирида битта юмалоқ матрица 4 ни жойлаш учун бошча мустахкам ўрнатилган.

Пастдан бошчага иккита вингли домкрат ёрдамида матрицини тутиб турувчининг ҳалқаси қисиб кўйилган. Домкратлардан бирининг винти, бўшатилган холда матрицаларни ўрнатиш ёки алмаштириш максадида айлантирилган матрица тутиб турувчининг ўқи вазифасини бажаради.


ЛПШ-500 пресси (13-расм). Унинг унумдорлиги 500 кг/соат. Асосий қисмлари: дозалаш курилмаси 1, уч камерали ҳамир арапаштиргич 2 узатмаси 3 билан, узатма 8 га эга бўлган прессловчи шнек 4, юмалоқ матрицалар, уларни алмаштириш механизмлари ва пуфлаш курилмаси 6 га эга бўлган прессловчи бошча 5. Барча санаб ўтилган қисмлар металл станица 7 га ўрнатилган.

Дозалаш курилмаси битта валга ўрнатилган шнекли ун дозатори ва чўмичли сув дозаторидан иборат. Унни дозалаш шнек-дозаторнинг узлукли айланниш частотасини ўзгартириш йўли билан амалга оширилади. Сувни дозалаш, дозатор сигимидағи сатҳни ўзгартириш йўли билан, буни

эса валнинг айланиш частотасини храповикли механизм ёрдамида ўзгартириш орқали амалга оширилади. Дозатор, хамир аралаштиргичнинг юкоридаги тогораси валидан занжири узатма ёрдамида харакатта келтирилади.



12-расм. ЛПЛ-2М шнекли макарон пресси.



13-расм. ЛПШ-500 шнекли макарон пресси.

Хамир аралаштиргич прессловчи шнек ўки бўйлаб жойлашган учта камерадан иборат. Биринчи камерада жадал равишда хамирнинг дастлабки аралаштирилиши содир бўлади. Парраклар ёрдамида хамир роторли вакуум затвор орқали вакуум остида ишлаётган иккинчи ва учинчи тогорага ўтказилади. Биринчи камера узатма билан блокировкаланган панжарали копқоқса эга. Иккинчи ва учинчи камералар хамирни бўшатиш дарчаси билан ўзаро боғланган. Иккала камеранинг хам копқоқлари шаффоф органик шишадан тайёрланган бўлиб, бу кориш жараёнини кузатиш имкониятини беради. Копқоқлар хам узатма билан блокировкаланган.

Хамир аралаштиргичнинг валлари электродвигателдан понасимон тасмали узатма, редуктор ва занжирили узатмалар системаси орқали харакатга келтирилади.

Прессловчи корпус яхлит пўлат кувурдан тайёрланган бўлиб, охирларига прессловчи бошча ва прессловчи шнек редукторини маҳкамлаш учун иккита фланец ўрнатилган. Пресслаш бошасига якин бўлган энг катта босим зонасида прессловчи корпус, диаметри 230 мм бўлган цилиндрисимон совитувчи кўйлакка эга. Прессловчи корпуснинг карамакарши томонида хамир аралаштиргичнинг учинчи камерасидан хамир келиши учун ўлчами 210x100 мм бўлган тешик жойлашган.

Прессловчи корпуснинг ички юзасида бутун узунлиги бўйлаб кесими 0,8x1,0 мм бўлган ариқчалар мавжуд. Прессловчи шнек асосан бир кириши бўлиб, охирида уч кириши звено мавжуд. Шнекнинг узунаси бўйлаб икки жойда 180 мм дан парракларни узилган кисмлари мавжуд. Шнек пўлатдан тайёрланган ва хромланган. Шнек понасимон тасмали узатма ва уч босқичли икки тезликли редуктор орқали электродвигателдан ҳаракатга келтирилади.

Прессловчи бошча – кўйма, гумбазсимон шаклда бажарилган; битта юмалоқ матрицага мўлжалланган; матрицаларни алмаштириш, кесиш ва пуфлаш механизмлари билан таъминланган.

Матрицаларни алмаштириш механизми матрицаларни ўрнатиш ва алмаштириш учун горизонтал йўналтирувчи,

электродвигател, кирмакли редуктор ва траверс билан бириктирилган иккита тортувчи винтдан иборат.

Пуфловчи қурилма электродвигателли марказдан кочма вентилятор ва юмалоқ тешикли ҳалкасимон сопладан ташкил топган. Вентилятордан ҳалкасимон соплага берилётган ҳаво тешиклардан чиқади ва нам макарон калаваларига пулланади.

Кувурлар системаси тўртта магистралдан ташкил топган: совук, иссиқ сув, сувни чиқариш ва вакум курилмаси учун. Совук сув дозаторга хамир кориш ва прессловчи корпус кўйлагига совитиш учун, иссиқ сув – дозаторга хамир кориш учун берилади. Сувни чиқариш кувурига дозатордан ишлатилмаган ортиқча сув, шунингдек прессловчи корпус кўйлагидан сув тушади.

Пресслинг бошқариш, хизмат кўрсатиш мөйдунчасида жойлашган бошқарув пултидан амалга оширилади.

3-§. ҚОРИШ ВА ХАМИРГА ШАКЛ БЕРИШНИНГ ЮҚОРИ ҲАРОРАТЛИ РЕЖИМЛАРИ

Макарон хамирини кориш ва унга шакл беришнинг бутунги кунда қўлланилаётган анъанавий режимларига кўра, шнекли пресслар матрицаси олдиаги хамирнинг ҳарорати 50–55°C гача кўтарилиши мумкин. Бу шу билан асосланади, 55°C дан юқори ҳароратларда оксил моддаларининг денатурланиши, клейковинанинг боғловчилик хоссаларининг йўқотилиши, бунинг натижасида макарон маҳсулотлари структурасининг кучсизланиши содир бўлади. Аммо оксил молекулалари структурасининг ўзгариши билан боғлиқ бўлган оксилнинг денатурланиши, шнекли камерада пресслаш вақтида хамирнинг кизиши натижасида эмас, балки шнекнинг зичлашган хамир массасига механик ишқаланиши ва хамир ички қатламларининг жадал равишда силжиши, яъни хамирнинг ҳаддан ортиқ ишқаланиши натижасида содир бўлади.

Г.М.Медведев ва унинг ходимлари хамир кориш ва шакл беришнинг юқори ҳароратли тартибини тавсия килдилар. Бу усулага кўра шнекли прессларда корилган

хамирнинг мувофиқ ҳарорати 60°C бўлиши керак. Шнекли камерада ҳароратнинг 5°C га ортиши хисобига хамирнинг матрица олдиаги ҳарорати 65°C ни ташкил этади. Бундай режим қоришининг юқори ҳароратли режими дейилади.

Юқори ҳароратли қориш режими қўлланилганда клейковинанинг термик денатурланишини анча ортишига карамай, шнекли камерада пластик хамир массасининг зичланиши ва шаклланиши содир бўлиб, бу эса хамирнинг ишқаланишини пасайтиради ва окувчанлигини ошириади.

Қўлланилаётган анъанавий паст ҳароратли қориш технологиясида эса зичланаётган ва шаклланаётган хамирнинг ковушқоқлиги юқори бўлиб, бунинг натижасида унинг шнекли камерада ишқаланиши ортади, окувчанлиги эса пасаяди. Бундай шароитда клейковинанинг иссиклик денатурланиши содир бўлмаса ҳам, хамирнинг юқори ковушқоқлиги, ишқаланувчи зўриқишлиар хисобидан клейковинанинг механик денатурланиши юзага келади.

Юқоридаги усул муаллифларининг маълумотларига кўра, макарон хамири қоришининг юқори ҳароратли режими маҳсулотларнинг меъёрик сифатларини саклаб колиши билан бирга, қоришининг анъанавий паст ҳароратли режими билан солиширилганда, кўйидаги афзалликларга ҳам эта:

- пресслинг унумдорлиги 10–15% га ортади ва пресслашга энергия сарфи шунчага камайди, бу хамирни пресслашдан олдин киздириш натижасида окувчанлигининг ортиши билан тушунтирилади;

- хамир пластикларининг ортиши натижасида оқимтиричилик маҳсулотлар пресслананинг олди олинади, демак, хамирнинг шнекли камерада ишқаланиши ва унинг кичкина ҳаво пуфакчалари билан тўйиниши жараёнининг жадаллиги пасаяди;

- шнекли камерани совитишга сув сарфланмайди;
- маҳсулотлар ва атроф-муҳит ҳарорати орасидаги фарқ натижасида прессланган нам маҳсулотлар сиртидан 3% гача намлик буғланади, бу эса маҳсулотларни қуритиш давомийлигини кисқартиради ва уларнинг ёпишиб колишининг олдини олади;

• полифенолоксидаза ферментининг иссилик таъсирида қисман нофаол шаклга айланиши натижасида маҳсулотларнинг ранги яхшиланади.

Кориш вактида юкори ҳароратга эга бўлган сувдан фойдаланиб ҳамирнинг ҳароратини 60°C гача етказиб бўлмайди. Сувнинг ҳарорати 90°C ни ташкил килидиган иссиқ кориш усулини кўлланилганда ҳамирнинг ҳарорати 50°C дан ошмайди. Шу билан бирга иссиқ сув оқими теккан жойларда уннинг бир қисмининг “пишиши” кузатилди, бу эса мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун юкори ҳароратли кориш режимини амалга оширишининг оддий усуllibаридан бири – пресснинг ҳамир кориш тогорасини ташки иситкич (буғ ёки сув кўйлаги, электр иситкич) билан жиҳозлаш ҳисобланади.

Юкори ҳароратли ҳамир кориш режимини калта қиркилган макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариша қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, чунки узун маҳсулотларни пресслаш вактида бугланиш хисобидан уларнинг сирти бироз курниш мураккаблаштиради. Бундан ташқари юкори ҳароратли ҳамир кориш режими ҳамирни вакумлаштиришининг кориш босқичида амалга ошириладиган прессларнинг ишини ҳам мураккаблаштиради. Ва ниҳоят, юкори ҳароратли кориш режими тухум маҳсулотлари кўшиб тайёрланадиган ҳамир учун ҳам тавсия этилмайди. Чунки тухум оқсилиниң денатурланиши ҳарорати ҳамир клейковинасиникидан анча пастроидир.

Шакл берининг юкори ҳароратли режими зичланган ҳамирни қиздирилган матрицалар орқали пресслаб чиқариш йўли билан амалга оширилади.

Матрицани қиздириш ҳароратининг пресс иш унумдорлигига, шакл берилётган ҳамир ва нам, курук ва қайнатилган макарон маҳсулотларига таъсири тадқикот этилган. Бунинг натижалари асосида шакл берининг юкори ҳароратли режимида матрицаларни қиздиришининг куйидаги мувофиқ ҳароратлари белгиланган:

• тешикларига тефлон кўйилган матрицалардан фойдаланилганда – 75–85°C, чунки бундан юкори

ҳароратлар пресс унумдорлигининг ортишига олиб келса да, биринчидан, маҳсулот сифатининг яхшиланишига ёрдам бермайди (қайнатиш вактида курук моддаларнинг йўқотилиши ортади), иккинчидан эса тефлонларнинг мустаҳкамлиги пасаяди;

• тешикларига тефлон кўйилмаган металл матрицалардан фойдаланилганда – 110–120°C, чунки бунда пресс иш унумдорлигининг максимал ортишига ва маҳсулот сифатининг яхши бўлишига (жуда силлиқ юза ва яхши қайнатиш хоссалари) эришилади.

Саноатда тешикларига тефлон кўйилган матрицаларни периметри бўйлаб арралаб, ҳосил бўлган ҳалқасимон ариқасига найсимон электр қиздиргичлар (ТЭНлар) ўрнатиб 75–85°C гача қиздириш мумкин.

Матрицаларнинг 110–120°C гача қиздириши минипресслардан фойдаланилганда амалга ошириш мумкин.

4-§. ПРЕССЛАНАЁТГАН НАМ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ НУҚСОНЛАРИ

Прессланаётган нам маҳсулотлар (ярим тайёр маҳсулотлар) сифатини назорат қилиш – асосан уларнинг ташки қўрининини баҳолашдан иборат бўлади.

Сифатли нам макарон маҳсулотлари корилмасдан қолган ун изларисиз, йиртиқларсиз, кесищ натижасида ғадир-будурларсиз силлиқ текис юзага; оқимтир чизикларсиз бир тусли хира-сарик, кремсизмон ёки оқиши-сарик рангта эга бўлиши; яхши қайишқоқликка ва маълум даражада эластикликка эга бўлиши; эзилмасдан, ўзаро ёпишиб қолмасдан берилган шаклни саклаб туриши керак. Узунлиги 1,5–2,0 м гача бўлган узун маҳсулотлар ўз или массасини саклаб, узилмаслиги ва чўзилмаслиги керак. Найсимон маҳсулотлар ички юзалари теккунича бармок билан босилгандан ёпишмаслиги ва қисиш жойидан ёрilmаслиги керак.

Прессланган маҳсулотларнинг кўп учрайдиган нуқсонлари, юзага келиш сабаблари ва уларни бартараф этиш усуllibарни бўйича маълумотлар 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал
Нам маҳсулотларнинг нуксонлари ва уларни
бартараф этиши тадбирлари

Нуксонларнинг турлари	Эҳтимолий сабаблари	Нуксонларни бартараф этиши тадбирлари	1	2	3
			1	2	3
Барча пресслангаётган маҳсулотлар сирти жуда дағал (тешикларига тифлон кўйилмаган матрицалардан фойдаланилганда)	Хамирнинг пластиклиги кам (жуда каттиқ хамир)	Кориш учун сув хароратини ошириш ёки хамирнинг намлигини 1–2% га ошириш керак			
Пресслангаётган маҳсулотлар маълум қисмининг сирти дағал (тешикларига тифлон кўйилган матрицадан фойдаланилганда)	Матрицалар тешикларидан кўйилган тифлонларнинг емирилиши	Матрицани ечиб, тифлонни алмаштириш ёки нуксони тепникларни ёпиш керак			

декстрик пастрик иши
Shak иши бармоқ керак. Матрицани 7-жадвалдан унумдорлигига, шайлантилган макарон кўп учрайдиган чиқариш натижасида уларни бартараф этилган. Бунинг натижасида уларни бартараф этиш мотлар 7-жадвалда.

- тешикларига тифлон фойдаланилганда – 75–85°C

42

1	2	3
	б) матрица ўтказувчанлик қобилиятининг пастлиги	Матрица олдидаги панжарани ечиш, хамир қовушқоғлигини пасайтириш керак
	в) шнекли камера ички юзаси ва шнек парраклари орасидаги масофанинг 1 мм дан ортиқ катталашиши	Янги шнек ўрнатиш ёки эски шнек паррагига металл кавшарлаб уни ортириш керак. Хамир кориш тогораси ҳажмининг 1/2 дан 2/3 кисмига тўлдиришни таъминлаш керак
	г) шнекли камеранинг хамир билан етарли даражада табминлан-маслиги	Хамирнинг жуда пластик бўлиши
	Пресслангаётган узун маҳсулотларнинг ўз массаси остида чўзилиши	Хамирнинг намлигини 1–2% га пасайтириши йўли билан унинг пластиклигини камайтириш керак
	Ун нуксони ва кучли чўзилувчи клейковинага эга	Мазкур ун туркумини сифатли ун туркуми билан арапаштириш учун ёки калта макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун фойдаланиш керак

Калит сўзлар ва таянч иборалар

Макарон хамири; макарон хамирининг рецептураси; хамирни каттиқ кориш; хамирни ўртача кориш; хамирни юмшоқ кориш; хамирни иссиқ кориш; хамирни илик кориш; хамирни совуқ кориш; шнекли макарон пресси;

45

прессловчи шнек; хамир араплағрич; **хамирни** вакуумлаш; макарон хамирини пресс матрица; **юмалоқ** матрициалар; түгри бурчакли матрицалар; **вкладиши** матрициалар; вкладиш; вкладишиз маңыза; шакл берувчи канал; тешикларига тефлон күйил матрица; ЛПЛ-2М пресси; ЛПШ-500 пресси; **хамиришнинг юкори** ҳароратли режими; хамирга шакл беришнинг юкори ҳароратли режими.

Назорат саволлари

1. "Макарон хамири" деганда нимадан шунасиз?
2. Макарон хамирининг рецептурасында кетма-кетликда тузилади ва хисобланади?
3. Каттик макарон хамири қоришининг ўзига хос аломатлари нимадан иборат ва ундан қайси холларда ғойдаланилади?
4. Юмшок ва ўрта макарон хамири қоришининг ўзига хос аломатлари нимадан иборат ва улардан қайси холларда ғойдаланилади?
5. Иссик усуща хамир қоришининг ўзиге аломатларини нимадан иборат ва қайси холларда ундан фойдаланилади?
6. Совук ва илик усууда хамир қоришининг ўзига хос аломатлари нимадан иборат ва қайси холларда улар фойдаланилади?
7. Хамир қориши учун сувнинг микдандай анилардан кланади?
8. Хамир қориши учун сувнинг харореттандай анилардан кланади?
9. Хамир араплағричларнинг киска тасифини көлтирип, шандай амалга оширилади?
10. Хамир компонентларини дозалашыралаштирип, шандай амалга оширилади?
11. Хамирни вакуумлаштиришининг өтаси қанақа ва ишлаб чиқаришининг қайси боскичларida унда ғойдаланила мақсадига мувофик?
12. Бир шнекли прессда макарон ҳариси тайёрланади ва шакл бериш қандай амалга оширилади?
13. Прессловчи шнек қандай вазифа беради?
14. Матрица қандай вазифани бажаради?
15. Найсимон макарон маҳсулотларини тайёрланади қанақа матрица кўлланилади?
16. Ипсимон ва тасмасимон макарон маҳсулотларини тайёрлашда қанақа матрица кўлланилади.

17. Вкладишининг тузилиши қанақа ва у қандай вазифани бажаради?
18. Матрица тешигидаги кириш камераси ва шакл берувчи канал қандай вазифани бажаради?
19. ЛПЛ-2М макарон прессининг кискача тасифини келтирип?
20. ЛПШ-500 макарон прессининг кискача тасифини келтирип?
21. Макарон хамири қоришининг юкори ҳароратли режими мояхити нимадан иборат ва бу усул анъанавий кориш усууларига нисбатан қандай афзалликларга эга?
22. Макарон хамирига шакл беришнинг юкори ҳароратли режими мояхити нимада'ва у қайси холларда кўлланилади?
23. Макарон маҳсулотлари сиртидаги дағалликни йўқотиш учун қандай чоралар кўрилади?
24. Нам макарон маҳсулотларида нуксонлар юзага келишининг асосий сабаблари нималардан иборат ва уларни бартараф этишининг қандай тадбирлари мавжуд?

III б о б. НАМ МАҲСУЛОТЛАРНИ БЎЛАКЛАШ

Нам макарон маҳсулотларини бўлаклаш бевосита пресслашдан кейин амалга оширилади. Бўлаклашдан массад – маҳсулотларни куритишга тайёрлашдир.

Бўлаклаш боскичи шакл берилган нам маҳсулотларни ҳаво билан пуфлаш, кесиши ва тахлашдан ёки осищдан иборат. Сифатли бажарилган пуфлаш, кесиши ва тахлаш операциялари куритишга ёрдам беради. Бу операцияларнинг сифатли бажарилиши куритиш жиҳозларининг унумдорлиги, хом ашё сарфи ва маҳсулотларнинг сифати каби кўрсаткичларга таъсир кўрсатади.

1-§. НАМ МАҲСУЛОТЛАРНИ ҲАВО БИЛАН ПУФЛАШ

Прессланган нам макарон маҳсулотлари тез деформацияланувчи пластик материал ҳисобланади. Шунинг учун кесиши осонлаштириш ва ёпишиб қолишининг олдини олиш учун нам маҳсулотларга,

прессловчи шнек; хамир араалаштиригич; хамирни вакумлаш; макарон хамирни пресслаш; матрица; юмалоқ матрицалар; түғри бурчакли матрицалар; вкладиши матрицалар; вкладиш из матрица; шакл берувчи канал; тешникларига төфлон күйнүгөн матрицалар; ЛПЛ-2М пресси; ЛПШ-500 пресси; хамир коришнинг юкори ҳароратли режими; хамирга шакл беришнинг юкори ҳароратли режими.

Назорат саволлари

1. "Макарон хамири" деганда нимадан түшунасиз?
2. Макарон хамирининг рецептураси қандай кетма-кетликда тузилади ва хисобланади?
3. Қаттик макарон хамири коришнинг ўзига хос аломатлари нимадан иборат ва ундан қайси ҳолларда фойдаланилади?
4. Юмшоқ ва ўрга макарон хамири коришнинг ўзига хос аломатлари нимадан иборат ва улардан қайси ҳолларда фойдаланилади?
5. Иссик, усуда хамир коришнинг ўзига хос аломатлари нимадан иборат ва қайси ҳолларда ундан фойдаланилади?
6. Совук ва илик усулда хамир коришнинг ўзига хос аломатлари нимадан иборат ва қайси ҳолларда улардан фойдаланилади?
7. Хамир кориш учун сувининг микдори қандай аникландади?
8. Хамир кориш учун сувининг ҳарорати қандай аникландади?
9. Хамир араалаштиригичларнинг кискача тавсифини келтиринг.
10. Хамир компонентларини дозалаш ва арралаштириш қандай амала оширилади?
11. Хамирни вакумлаштиришнинг вазифаси канака ва ишлаб чиқаришининг қайси босқичларида уидан фойдаланиш мақсадга мувофик?
12. Бир шнекли прессда макарон хамири тайёрлап шакл бериш қандай амала оширилади?
13. Прессловчи шнек қандай вазифани бажарылади?
14. Матрица қандай вазифани бажаради?
15. Найсимон макарон маҳсулотларини тайёрлап шакл бериш қандай амала оширилади?
16. Ипсимон ва тасмасимон макарон маҳсулотларини тайёрлап шакл бериш қандай амала оширилади?

17. Вкладишининг тузилиши қанака ва у қандай вазифани бажаради?

18. Матрица тешигидан кириш камераси ва шакл берувчи канал қандай вазифани бажаради?

19. ЛПЛ-2М макарон прессининг кискача тавсифини келтиринг?

20. ЛПШ-500 макарон прессининг кискача тавсифини келтиринг?

21. Макарон хамири коришнинг юкори ҳароратли режими мөхияти нимадан иборат ва усул анъанавий кориш усусларига нисбатан қандай афзалликларга эга?

22. Макарон хамирига шакл беришнинг юкори ҳароратли режими мөхияти нимада, ва у қайси ҳолларда кўлланилади?

23. Макарон маҳсулотлари сиртидаги дағалликни йўқотиш учун қандай чоралар кўрлилади?

24. Нам макарон маҳсулотларида нуксонлар юзага келишининг асосий сабаблари нималардан иборат ва уларни бартараф этишининг қандай тадбирлари мавжуд?

III б о б. НАМ МАҲСУЛОТЛАРНИ БЎЛАКЛАШ

Нам макарон маҳсулотларини бўлаклаш бевосита пресслашдан кейин амалга оширилади. Бўлаклашдан мақсад – маҳсулотларни куритишга тайёрлашди.

Бўлаклаш босқичи шакл берилган нам маҳсулотларни ҳаво билан пуллаш, кесиш ва тахлашдан ёки осишдан иборат. Сифатли бажарилган пуллаш, кесиши ва тахлаш операциялари куритишга ёрдам беради. Бу операцияларнинг сифатли бажарилиши куритиш жиҳозларининг унумдорлиги, хом ашё сарфи ва маҳсулотларнинг сифати каби кўрсаткичларга таъсир кўрсатади.


1-§. НАМ МАҲСУЛОТЛАРНИ ҲАВО БИЛАН ПУФЛАШ

Прессланган нам макарон маҳсулотлари тез деформацияланувчи пластик материал хисобланади. Шунинг учун кесиши осонлаштириш ва ёпишиб қолишининг олдини олиш учун нам маҳсулотларга,

матрицанинг шакл бериш тешигидан чикаётган вактида ҳаво пуфланиши керәк. Бу нам маҳсулотларнинг сиртида қуриган қобиқ ҳосил қилиб, уларни қуритишга узатишда ва қуритиш транспортёрларига (калта қирқилган маҳсулотлар), лотокли кассеталарга (макаронлар) ҳамда уларни бастунларга (узун маҳсулотларни осиб қуритишда) ёпишиб қолишининг олдини олади. Маҳсулотларни пуфлаш вактида қуриган қобиқнинг ҳосил бўлиши, уларнинг кесувчи пичоқларга ва найсимон маҳсулотларнинг кесилган жойларининг ёпишиб қолишидан саклайди.

Маҳсулотлар одатда ҳарорати 2°C, нисбий намлиги 60–70% бўлган шакл бериш бўйленинг ҳавоси билан пуфланади. Бунда нам маҳсулотларнинг намлиги, анъанавий қориш ва шакл бериш тартибларида 1–2% га, юқори ҳароратли тартиблarda 3–4% га пасаиди.

Узун маҳсулотларни осиб (бастунларда) қуритишда пуфланиши, маҳсулотлар сиртининг, асосан бастунга нисбатан ташки томонини керагидан ортиқ қуришининг олдини олган ҳолда, жуда эҳтиёткорлик билан амалга ошириш лозим. Чунки кучли шамоллатишда маҳсулотлар юза қатламининг эгилиш жойларida синиши ва маҳсулотларни осища ёки кўпинча қуритиш жараёнида бастунлардан узилиб тушишига сабаб бўлади.



14-расм. Таксимлагич-пуфлагич механизми: а – узун маҳсулотлар учун; б – калта қирқилган маҳсулотлар учун.

48

Автоматлаштирилган узлуксиз линияларда осиб қуритиш усулида тайёрланадиган узун маҳсулотлар калавалари (тутамлари) ички юзасини пуфлаш учун таксимлагич-пуфлагичдан (14,а-расм) фойдаланилади. У узунлиги 2 м бўлган ичи бўш кути 4 кўринишига эга. Таксимлагич-пуфлагич прессланадиган узун нам маҳсулотларни икки тутамга ажратади. Маҳсулотларни пуфлаш учун кутининг сиртида ҳаво чиқадиган кўп тешиклар мавжуд. Уларга электродвигател 1 дан ҳаракатга келтирадиган вентилятор 2 ва киска ҳаво йўллари 3 орқали берилади.

ЛПЛ-2М прессида шакл бериладиган калта қирқилган маҳсулотларга ҳаво пуфлаш учун 14-б, расмда тасвирланган пуфловчи қурилмадан фойдаланилади. У пресс каркасининг пастки плитасига маҳкамланади ва матрица туткич остига жойлаштирилади. Қурилма руҳланган металл тахтадан тайёрланган. Пуфловчи қурилма ичи бўш цилиндр 4 дан иборат бўлиб, унга электродвигател 1 дан ҳаракатланадиган марказдан қочма вентилятор 2 ва ҳаво йўллари 3 орқали ҳаво берилади. Прессланадиган маҳсулотлар тутамини қамраб оловчи ичи бўш цилиндр 4 нинг ички юзаси конус кўринишида бўлиб, унга кўп микдорда диаметри 2...3 мм бўлган тешиклар очилган. Цилиндр 4 нинг ички ва ташки юзаси ҳалқали канал ҳосил қилиб, марказдан қочма вентилятор пуркаётган ҳаво бу каналлар орқали цилиндр тешикларидан ўтади ва матрица осиби турган маҳсулот тутамлари ёки матрица сиртидан кесилган маҳсулотларга пуфланади.

2-§. МАҲСУЛОТЛАРНИ БЎЛАКЛАШ ВА ТАХЛАШ

Шакл берилган ва ҳаво пуфланган макарон маҳсулотлари кесувчи механизм ёрдамида керакли узунликда кесилади ва қуритиш учун қуритивчи юзаларга (калта қирқилганлар), лотокли кассеталарга (макаронлар) кассетали усульда қуритилганда, ёки бастунларга (узун маҳсулотлар осиб қуритилганда) жойлаштирилади.

Калта маҳсулотлар икки хил усул билан кесилади: матрица сиртида пичоқни сирпантриб ёки осилган ҳолда (осиби турган тутамлар матрицадан ўтум бир масофада кесилади).


Шаклдор маҳсулотлар ҳар доим биринчи усул билан, перолар эса иккинчи усул билан кесилади. Калта кесилган вермишел ва утра иккала усул билан ҳам кесилиши мумкин. Иккинчи усул ёрдамида кесилгандай маҳсулотлар түгрирок бўлади ва уларга жадал ҳаво пуркаш имконияти туғилади.

ЛПЛ-2М прессларида матрица сиртига калта маҳсулотларни кесиш учун, пресс комплектига киравчи, универсал кесувчи механизм УКМ дан (15-расм) ўзунликдаги (перолардан ташқар) калта маҳсулотлар, шу инадиган жумладан жуда кичик, масалан, шўрвага сонадиган маҳсулотларни кесиш имкониятини беради.


Универсал кесувчи механизм узатма ва пичок босчасидан иборат. Узатма вариатор 8 орқали электродвигателдан вариатор орқали ҳаракат келади. Ҳаракат электродвигателдан вариатор кутиси тезликлар кутиси 5 га берилади. Тезликлар кутиси чиқувчи ҳаракатланувчи шестернялар блокига эга бўлиб, улар килиш валнинг уч хил айланиси частотасини хосил шавтага имкониятини беради. Тезликлар кутисининг чиқувчи шеки 4 маҳкамланган бўлиб, унинг айланиси инадиган тасма билан пичок бошчасининг шкиви 2 га узатади.

Пичок бошчаси шкиви спицаларига, матрица сиртига ёпишиб турадиган пластинкасизмон пичоклар 1 матрицилар ёрдамида маҳкамланади. Пичок бошчасининг ўқиши ёки панжараси тортмасига винт билан маҳкамланади (панжарасиз матрицадан фойдаланилганда), матрицанинг марказий тешигига киритиб матрица дискига маҳкамланади. Хавфисизликни таъминлаш учун кесувчи маҳкамланади. Кесувчи кобиқ 3 билан ёниб кўйилади.

Кесувчи механизми ростлаш вақтида маҳбурий айлантириш чамбарак 7 ни айлантириш билан амалга оширилади. Кесиларнинг керакли сонини ёлгилаш, ёрдамида ростлагичи 9 ни айлантириб, дастак 6 тезликлар кутисини кўшиб ва пичоклар сонини ўтартириб амалга оширилади. Пичоклар сони битта бўлганида бир минутдаги энг кам кесилар сони 18,5, иккита 37, пичоклар сони тўртта бўлганида 74 тани ташкил қиласи. Тўртта пичок ёрдамида энг кўп кесилар сони 2100 тани ташкил этади.



15-расм. УКМ универсал кесувчи механизми.




16-расм. Вермишель ва угри осилган ҳолатда кесиш LPR-1 механизми.

Вермишель ва угри осилган ҳолатда кесиш учун кенг тарқалган LPR-1 механизми кўлланилади (16-расм). Механизм корпусга жойлаштирилган бўлиб, корпус макарон пресси пресслаша бошчаси остидаги полга ўрнатилади. Механизм рамасига пичок бошчаси маҳкам ўрнатилган. У қўзгалмас конуссимон кабул килувчи воронка 2, учта радиал кирра 4 га эга бўлган қўзгалмас цилиндр 5 ва шкив спицалари 7 га жойлашган иккита айланувчи пичок 6 дан иборат. Воронканинг марказида радиал кирралари конус 3 жойлашган бўлиб, унинг ёрдамида прессланётган вермишель ёки утра калавалари учта кисмга бўлиб юборилади. Механизмнинг пичокли бошчаси пресснинг матрица тутиб турувчисидан 300...400 мм пастда жойлаштирилади.

Механизм ишлатётган вақтда прессланётган маҳсулотлар айланувчи пичокларнинг кесувчи кирралари билан қўзгалмас кирраларга даврий тарзда кисилади ва кесилади. Шундай қилиб, қўзгалмас кирралар кесгаш вақтида таянч вазифасини бажаради. Тутамлар кесиш вақтида ечилиб кетмаслиги учун қўзгалмас кирралар ва кесувчи кирралар орасидаги оралиқ жуда ҳам кам бўлиши керак.

Механизм минутига 12–32 марта кесишни амалга оширади. Узун маҳсулотларни кесиш ва бастунларга осиши учун автоматик ўзи осувчи механизмлардан фойдаланилади.



17-расм. Күшалоқ ўзи осувчи механизминг схемаси:
а, б, в – ишчи органнинг ҳолатлари.

17-расмда автоматлаштирилган узлуксиз линия таркибига кирувчи күшалоқ ўзи осувчи механизминг ишлаш схемаси келтирилган. Ўзи осувчи курилма 370 дан 570 мм гача узунликдаги маҳсулотларни кесишига ва уларни бир вақтнинг ўзида иккита бастунларга осинни таъминлайди. Ўзи осувчи курилма қўйидагича ишлайди.


Тўғри бурчакли бастунлардан икки тутам 3 ҳолида прессланадиган маҳсулотлар, пулфагличини этиб тушади ва бастунлар 1 ҳаракати горизонтал чизигини кесиб ўтади (17, а-расм). Бу вактда бастунлар ҳаракатланмайди. Маҳсулотлар керакли узунликка эга бўлгач, яни тинч турган бастунлардан пастга тушач, ричаглар 6 га маҳкамланган иккита ичи бўш цилиндр 5 ҳаракатлана бошлайди ва ёйсимон ҳаракатланиб тутамларнинг юкориги ярмисини бастунларнинг бошка томонига тортади (17, б-расм). Бу вактда юкориги кесувчи пичоклар 2 ва 4 маҳсулотни асосий тутамдан кесиб олади (17, в-расм). Кесилган маҳсулотлар тушиб, бастунларнинг иккинчи томонига осилиб қолади. Маҳсулотлар осилган бастунлар ҳаракатланиб, узлуксиз айланувчи пичоклар

зонасига киради ва бу ерда маҳсулотларнинг пастки учлари кесиб текисланади. Сўнти пайтда ишлаб чиқарилган ўзи осувчи курилмалар кўшимча текисловчи кирраларга эга. Маҳсулотлар кесиб олган пастки учларининг нам кирқимлари пневмотранспорт билан қайтадан ишлатиш учун хамир арапаштирип тогорасига келтирилади.

Макарон ишлаб чиқариш корхоналарида калта кирқилган маҳсулотлар кўпинча конвейерли куриткичларда куритилади. Нам маҳсулотни (ярим тайёр маҳсулотни) куриткичнинг кенглиги 2 м ни ташкил қиласидиган юкориги тасмасига узатиш, тасманинг кенглиги бўйлаб маҳсулотни бир текис тақсимланишини таъминловчи, механик тахлагич (ёйиб, сочиб, титиб ташлагич) воситаси ёрдамида амалга оширилади.

18-расмда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида кўлланиладиган бир неча хил калта маҳсулотларни тахловчи курилмаларнинг схемалари келтирилган.

Энг оддий тахлагич (18, а-расм) нам маҳсулотларни прессдан узатувчи тасмали транспортёр 2 дан ва унинг тасмаси диагонали бўйлаб кўндаланг ўрнатиладиган тўсик 3 дан иборат. Транспортёр 2 куриткич юкориги транспортёри 1 нинг устига ўрнатилган. Нам маҳсулотлар тўсикка дуч келиб, узатувчи транспортёр 2 дан, куриткич транспортёри 1 нинг тасмасига бир текис қатлам ҳолида тақсимланади. Узатувчи



18-расм. Калта кирқилган маҳсулотларни тахлагичлари:
а-тўсик билан; б-тебранувчи қуевр билан; в-тебранувчи транспортёр билан.


транспортёр тасма сининг осилиб қолишини ва маҳсулотларнинг түсикдан сакраб ўтишининг олдини олиш мақсадида тасма түсикка перпендикуляр ўрнатилган ёғоч плитадан сирпаниб ўтади. Агар пресс ва қуриткич турли қаватларда жойлашгани бўлса, ёки улар битта қаватда жойлашиб қуриткич устида етарлича жой бўлса, схемаси 18, б-расмда тасвирланган тахлагичдан фойдаланилади.

Калта қирқилган нам маҳсулотлар юклаш воронкаси 7 га келиб тушади, у ердан 2 мм амплитуда билан тебранувчи ҳаракатларнадиган кувур 8 билан қуриткич транспортёри 9 сиртида тақсимланади. Тебранувчи ҳаракатлар кувурга кулачокли гиддирак 3 ва тортма 2 билан боғланган дастак ёрдамида узатилади. Кулачокли гиддирак ва тортма электродвигател 5 дан понасимон тасмали узатма ва кирмакли жуфтликлар ёрдамида ҳаракатга келтирилади.

Қуриткич устида кўп жой талаб қилмайдиган тахлагичлардан бирининг схемаси 18-в, расмда келтирилган. Қуриткич нинг юкориги тасмаси 1 га нам маҳсулотларни узатувчи транспортёр 2, узатмаси олдинги тахлагичники сингари бўлган кулачокли механизм ёрдамида тебранма ҳаракат қиласи. Узатувчи транспортёр электродвигател 5 дан редуктор 4 орқали ҳаракатга келтирилади.

Қуриткич транспортёри тасмаси устидаги маҳсулотнинг қаликлиги тасма теззилигини ўзгаририб ростланади. Маҳсулот турига қараб қатламнинг қаликлиги 2 см дан 5 см гача бўлиши керак. Бунда нам маҳсулотларнинг ёпишиб колишининг олдини олиш учун қатламнинг қалин бўлмаслиги мақсадга мувофиқdir.

Қуриткич шкафларида макаронларнинг қуритилиши кассеталарда (19-расм) терилган ҳолда амалга оширилади. Бир текис қуритиш ва сифатли маҳсулот олиш учун макаронлар кассетанинг текис ва тўлиқ тўлдириши лозим. Агар кассета тўлиқ тўлдирилмаса, қуритиш вақтида асосий иссиқлик оқими макарон найчалари орасидан эмас, балки йўлида қаршилик кам бўлган макаронлар устидаги бўшлиқдан ўтади. Бу маҳсулотларнинг иотекис қуришига сабаб бўлади: кассета ичидаги найчалар тўлиқ куримайди,




19-расм. Лотокли кассеталар: а-қўшалоқ ёғочли кассета; б-битталик дюралюминий кассета; в-макарон билан тўлдиришган кассета.

юкориги қатлам эса ўта куритик нам макаронлар билан кассеталарни керагидан турган макарон солинган тўлдириш эса уларни юкорида турган макарон солинган кассеталар массаси остиризишига олиб келади. Бу найчалар орасидан ҳаво ўтишини қийинластиради, уларнинг ёпишишини оширади ва деформацияланган, пачакланган макаронлар осил бўлишига олиб келади.

Узун маҳсулотларни осиб қуритища бастунларга осилган нам маҳсулотлар (вермишел, утра, макаронлар) бастунни тўлиқ тўлдириб, бирга тегиб турниш керак. Аммо маҳсулотларга етарлича ҳаво тегиши учун улар бирининг устига чикиб маслиги керак. Шунинг учун тўгри бурчакли матрицалар 1 да (20-расм) тешиклар шундай килиб пармаланади, маҳсулотнинг икки тутами (3) пресслини, тутамлардан ҳар бири қуритишга мўлжалланган бастунлар 2 да бир қатлам ҳолида осилиши таъминланади.

Осилаётган маҳсулотларнинг ўз массаси остида чўзилишининг олдини олиш учун макаронларнинг ташки диаметри 6 мм дан ортик бўлмаслиги керак. Узун вермишел ва утра исталгандан турда бўлиши мумкин.



20-расм. Узун маҳсулотларни бастунларга осиб қуритиш схемаси.

Нам маҳсулотларни бўлаклаш вақтида юзага келадиган нуксонлар.

8-жадвалда нам маҳсулотларни бўлаклаш вақтида юзага келиши мумкин бўлган нуксонлари ва уларни бартараф этиш усуслари келтирилган.

8-жадвал

Нам маҳсулотларни бўлаклаш вақтида юзага келиши мумкин бўлган нуксонлари ва уларни бартараф этиш усуслари

Нуксонларнинг турлари	Юзага келиш сабаблари	Бартараф этиш тадбирлари
Найсимон маҳсулотлар эзилган (ёпилган) учга эга; найлар мажак бўлган холда прессланади	Хаддан ортиқ юмшок (нам) хамир Маҳсулотлар хаво билан пуфламаган Кесувчи пичок матрицага (кариши томондаги кесувчи киррага) етарлича якин эмас. Пичок кирраларининг дами кайттан	Хамир намлигини 1-3% га камайтириши керак Пуфлашни амалга ошириш лозим Пичокнинг ҳолатини ростлаш керак Пичок кирраларини чархлаш керак
Маҳсулотлар ўзаро ёпишиб колган	Хаддан ортиқ юмшок хамир Маҳсулотлар хаво билан пуфламаган	Хамир намлигини камайтириш лозим. Пуфлашни амалга ошириши керак
Бастунлардаги маҳсулотларнинг этилиш жойларида ёрикларнинг хосил бўлиши	Хамир етарлича „пластиликка эга эмас Прессланадиган маҳсулотлар сиртигининг хаддан ортиқ куриши	Хамирнинг намлигини ошириши керак Пуфлаш жадаллигини пасайтириш ёки маҳсулотлар ташки томонини пуфлашни ўчирishi керак
Маҳсулотлар бастунларга ёпишиб колган	Хаддан ортиқ юмшок хамир Маҳсулотлар хаво билан пуфламаган	Хамир намлигини камайтириш керак. Тутамлар ички томонини пуфлашни йўлга кўйиш керак. Бастунларни ўсимлик ёғи билан ёглаш керак

56

Калит сўзлар ва таянч иборалар

Нам макарон маҳсулотларини бўлаклаш; нам маҳсулотларни пуфлаш; нам маҳсулотларни пуфлаш учун механизм; нам маҳсулотларни кесиш ва тахлаш; кесувчи механизмлар; маҳсулотларни бастунларга ўзи осувчи механизм; калта кирқилган маҳсулотларни ўзи тахлагич; лотокли кассеталар.

Назорат саволлари

1. Нам маҳсулотларни бўлаклаш қандай технологик операциялардан иборат?
2. Нам маҳсулотларни хаво билан пуфлаш қандай максадларда амалга оширилади?
3. Нам маҳсулотларни пуфлаш механизмлари қандай тузилган ва қандай ишлайди?
4. Қиска кесилган нам маҳсулотларни қўритич тасмасига тахлаш механизмлари қандай тузилган ва ишлаш тартиби канака?
5. Нам маҳсулотларни киркиш қайси механизмлар ёрдамида ва қандай амалга оширилади?
6. Узун маҳсулотларни бастунларга иккιёклама ўзи осувчи механизмнинг ишлаши принципи канака?
7. Макаронларни лотокли кассеталарга тахлашда қандай коидаларга риоя килиш керак?
8. Узун маҳсулотларни бастунларга осишнинг қандай коидалари мавжуд?
9. Агар найсимон маҳсулотларнинг учлари эзилган ёки найлар мажак бўлиб прессланадиган бўлса қандай чораларни кўллаш лозим?
10. Нам маҳсулотлар қандай сабабларга кўра ўзаро ёпишиб колиши мумкин ва бу холда қандай чораларни кўллаш лозим?
11. Бастунлардаги маҳсулотларнинг этилиш жойларида нима сабабдан ёриклар хосил бўлали ва бу холда қандай чораларни кўллаш керак?
12. Нам маҳсулотлар бастунларга ёпишиб колганида қандай чоралар кўллаш лозим?

57

IV б о б. НАМ МАҲСУЛОТЛАРНИ ҚУРИТИШ, БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ВА СОВИТИШ

1-\$. ҚУРИТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Нам макарон маҳсулотларидағи намликтин ҳолати. Нам макарон маҳсулотлари – түрли хил биокимёвий ва микробиологик жараёнлар кечиши учун қулай муҳит хисобланади. Бу жараёнлар ривожланишининг олдини олиш учун маҳсулотлар сувесизлантириш усули билан консерваланади, яъни 13% дан юқори бўлмаган намликача қуритилиди.

Макарон маҳсулотларини қуритиш уларни ишлаб чиқариш жараёндаги энг узоқ давом этадиган босқич хисобланади. Унинг мувофиқ равишда ўтказилиши билан тайёр маҳсулотнинг мустаҳкамлиги, синиқ юзасининг ялтироқлиги, кислоталилиги каби сифат кўрсаткичларининг даражасига боғлик бўлади. Намликтин ажратиши ҳаддан ортиқ жадал равишда олиб бориш маҳсулотларнинг ёрилишига олиб келади. Жуда давомли қуритиш, айниқса, намликтин ажратишининг биринчи босқичида, маҳсулотларнинг ачишига, катлам ҳолида қуритишда эса ёпишилган маҳсулотдан тўдалар ҳосил бўлишига ва маҳсулотларнинг деформацияланишига олиб келади.

Маҳсулотларни совитгандан кейин ва қадоқлашдан олдин намлиги 13% дан ортиқ бўлмаслигини таъминлаш учун, маҳсулотнинг намлиги 13,5–14% га етганида қуритиш жараёни туталланади.

Зичланган макарон хамири ва нам макарон маҳсулотлари коллоид-капиляр-ғовак материаллар хусусиятларига эга бўлганилиги туфайли улarda намликтин уч шаклдаги боғланиши учрайди: кимёвий, физик-кимёвий ва физик-механикавий. Аммо нам маҳсулотларда намлик боғланишининг асосан биринчи иккита шакли кузатилиди.

Кимёвий боғланиган намлик модда молекулаларининг таркибиға киради ва кимёвий таъсир кўрсатиш ёки куйдириш йўли билан ажратилиши мумкин. Қуритиш вактида кимёвий боғланиган сув ажратилмайди.

Намликтин физик-кимёвий боғланиши иккি турга бўлинади: адсорбцион ва осмотик.

Адсорбцион боғланган намлик мицеллаларнинг ташки ва ички юзасида ушлаб туриладиган намликтан иборат. Мицеллалар – бу ўлчамлари 0,1 дан 0,01 мкм гача бўлган заррачалар бўлиб, улар макарон маҳсулотлари ва нам маҳсулотларда крахмал ёки оксилинг алоҳида ўралган занжирлари ёки уларнинг гурухларидан (конгломератларидан) иборат.

Осмотик боғланган намлик мицеллаларнинг ички бўшлиғида мавжуд бўлади. Зичланган макарон хамири ва нам маҳсулотларда намликтин катта кисми осмотик боғланган бўлади.

Макарон маҳсулотларини қуритиш вактида адсорбцион ва осмотик боғланган намлик ажратилади. Бунда дастлаб камроқ мустаҳкамлиқда боғланган осмотик намлик, кейин эса, мустаҳкамроқ боғланган адсорбцион намлик ажратилади. Бундан ташқари, биринчи навбатда крахмал донлари томонидан боғланган намлик, кейин эса оксиллар томонидан боғланган намлик ажратилади.

Маҳсулотни қуритиш вактида, унинг таркибидаги сув бугга айланади ва ажralиб чиқади. Сувни бугга айлантириш учун маълум миқдорда энергия сарфлаш лозим. Материалга иссиқлик узатишга қараб, қуритиш бир неча хил усулларга бўлинади. Кўпчилик ҳолларда макарон маҳсулотларини қуритиш конвектив усулда амалга оширилади.

Қуритишнинг конвектив усули.

Қуритишнинг конвектив усули қуритилаётган материал (нам макарон маҳсулотлари) ва маҳсулотга пулланадиган қиздирилган ҳаво ўртасидаги иссиқлик ва намлик алмашинувига асосланган. Қуритиш жараёни маҳсулот ичидаги мавжуд бўлган намликтин унинг сиртига олиб келиш, намликтин бугга айлантириш ва бугни маҳсулот сиртидан олиб кетишидан иборат. Осмотик боғланган намликтин ажратиб олиш худди шу схемага биноан содир бўлади. Адсорбцион боғланган намлик материалнинг ичидаги бугга айланади ва буг кўринишида ўзага кўчади.

Қуритишнинг асосий параметрлари. Қуритилаётган

макарон маҳсулотларининг асосий параметри – бу ундаги намнинг миқдори, яъни унинг намлиги ҳисобланади.

Намнинг миқдори материалнинг умумий массага нисбатан ифодаланса, бундай намлик **нисбий намлик** (W , %) дейилади

$$W = \left(\frac{m}{m_{\text{н}}} / \frac{m}{m_{\text{к.м}}} \right) 100,$$

бу ерда $m_{\text{н}}$ – материалдаги намнинг массаси, г;

m – материалнинг умумий массаси, г.

Материалнинг абсолют куруқ, моддалари массасига нисбатан ифодалантган намнинг миқдори **абсолют намлик** (W^a , %) дейилади:

$$W^a = \left(\frac{m_{\text{н}}}{m_{\text{к.м}}} / m \right) 100,$$

$$m_{\text{к.м}} = m - m_{\text{н}},$$

бу ерда $m_{\text{к.м}}$ – материалнинг абсолют куруқ, моддалари массаси, г.

Бир намлиқдан иккинчи намлиқка ўтиш учун куйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$W = (W^a / (100 + W^a)) 100; \quad W^a = (W / (100 - W)) 100.$$

Куриутвчи ҳавонинг ҳолати бир қатор параметрлар билан тавсифланади.

Ҳавонинг **абсолют намлиги** (ρ_b) деб 1 м^3 нам ҳавода мавжуд бўлган сув буғининг массасига айтилади. Бинобарин ρ_b аралашмадаги буғнинг зичлигидан иборат бўлади.

Ҳавонинг **нисбий намлиги** (φ , %) деб ҳавонинг абсолют намлигининг, худди шу шароитларда (ҳарорат ва барометрик босимда) 1 м^3 нам ҳаво таркибида максимал миқдорда мавжуд бўлиши мумкин бўлган сув буги массаси нисбатига айтилади.

Амалиётда ҳавонинг нисбий намлиги, куруқ термометр (ҳавонинг ҳақиқий ҳарорати) ва намланган (“хўл”) термометр ҳароратлари орасидаги фарқни ўлчашга асосланган психрометрик усул билан аниқланади.

Куритиш жараёнининг таҳлили. Конвектив усулда макарон маҳсулотларини куритиш вактида киздирилган куриутвчи ҳаво куйидаги вазифаларни бажаради:


• намни буғга айлантириш учун керакли бўлган энергияни (иссиқликни) маҳсулотта беради;

• маҳсулотлар сиртидан буғланган намни олиб кетади. Шу сабабли ҳавонинг ҳарорати қанчалик юкори бўлса, маҳсулотдан намнинг буғланши шунчалик тез боради; ҳавонинг нисбий намлиги қанчалик паст бўлса, ҳаво буғланган намни шунчалик тез сингдириб олади. Бундан ташкари, куритиш тезлиги маҳсулот устидаги ҳавонинг ҳаракатланиш тезлиги ўзгаради. Табийки, куритиш жараёни маҳсулотнинг хоссалари билан, хусусан макарон маҳсулотларининг зичлиги ва қалинлиги билан ўзгаради.


Куритиш вактида нам маҳсулотларнинг ички қатламларидан ташки қатламларига ҳаракатланиши **намлик градиенти** ΔW , яъни қатламлар намликлари орасидаги фарқ таъсири остида содир бўлади. Бу фарқ эса маҳсулотлар сиртидан ва ташки қатламларидан намнинг буғланши натижасида юзага келади.

Намлик градиенти куритилаётган маҳсулотлар марказига, яъни намлиқнинг ҳаракатланиши йўналишига тескари йўналган бўлиб, ташки қатламларни куритиш қанчалик тез бораётган бўлса, унинг киймати ўз шунчалик катта бўлади. Намлик градиенти таъсирида намлиқнинг кўчиши ходисаси **нам ўтказувчанлик** ёки **концентрацион диффузия** деб аталади.

Куритилаётган маҳсулотларни киздириш вактида ҳарорат градиенти Δt ўз ҳам вужудга келади. Нам унинг таъсирида маҳсулотнинг ичкарисига, яъни иссиқлик оқими йўналишида кўчишга ҳаракат килади. Бу ходиса термоламлик ўтказувчанлик ёки термик диффузия деб аталади. Макарон маҳсулотларини куритиш жараёни график тарзда, маҳсулотлар ўртача намлигининг вакт бирлаги ичida ўзгаришини тавсифловчи эгри чизик кўринишида ифодаланади. Маҳсулотларни куритиш эгри чизиги 21-расмда тасвирланган.



21-расм. Куритишнинг эгри чизиги.



22-расм. Куритиш тезлигининг эгри чизиги.

Эгри чизикнинг бошланғич кичик қисми бошланғич намлиги W_b бўлган маҳсулотларнинг киздирилишини кўрсатади. Бу қисм учун концентрацион ва термик диффузия тескари томонга йўналтнлиги учун, намликнинг сезиларсиз пасайиши муносаб ҳисобланади.

Кейинчалик намликнинг тўғри чизик бўйлаб ўзгариши содир бўлади. Доимий тезликтаги қуритиш даври деб аталадиган бу даврда маҳсулотлардан кучсизроқ, боғланган осомтия намликинг ажралиши содир бўлади.


Маҳсулотларнинг критик намлиги W_c деб намланадиган маълум бир микдорида намлика намлини ажралиш тезлиги пасаяди ва қуритиш тезлигининг камайиш даври бошланади. Бу даврда асосан адсорбцион боғланган ва оқсил моддалари билан мустаҳкам ушлаб турилган намлини ажралиши содир бўлади.

Макарон маҳсулотларини доимий қуритиш хусусиятларига (доимий ҳарорат, намлик ва ҳаракатланиш тезлигига) эга бўлган ҳаво билан қуритиш вақтида қуритилаётган маҳсулотларнинг намлиги мувозанат намлиги W_m деб аталадиган (21 ва 22-расм) маълум бир микдорга яқинлаша бошлайди. Бошқача сўз билан айтганда, маълум параметрларга эга бўлган ҳаво учун маҳсулотларнинг маълум мувозанатдаги намлиги тўғри келиб, бу намлик шу ҳаво билан қанчалик қуритилмасин, ҳеч қачон пасаймайди.

Макарон маҳсулотларини қуритиш, барқарорлаштириш, совитиш ва саклаш режимларини тўғри танлаш учун, бу

маҳсулотларнинг ҳавонинг турли хил ҳарорат-намлик параметрларидаги мувозанат намликлари қийматини билиш жуда муҳим ҳисобланади. Улар мувозанат намлиги эгри чизиклари (нам десорбцияси изотермалари) бўйича аникланади. Мувозанат намлиги эгри чизиклари эса статистик усул ёрдамида тадқиқот маълумотларига кўра чизилади (23-расм).

Макарон маҳсулотларини қуритиш вақтида мувозанат намлигининг мос келувчи эгри чизигидан фойдаланиш лозим. Масалан, маҳсулотлар ҳарорати 50°C бўлган ҳаво билан қуритиладиган бўлса, мос келувчи эгри чизик бўйича (23-расм) маҳсулотлар намлигини 13% гача этиши учун ҳавонинг нисбий намлиги 80% дан ортиқ бўлмаслигини аниqlашмумкин. Агар ҳудди шу ҳароратда ҳавонинг намлиги 85% таңг бўлса, у ҳолда маҳсулотлар факат тахминан 14,5% намлиkkacha қурийди.



23-расм. Макарон маҳсулотлари мувозанат намлигининг эгри чизиги.

Қуритиш, барқарорлаштириш ва совитиш вақтида макарон маҳсулотлари хоссаларининг ўзгариши.

Қуритиш режимларини танлаш ва ишлаб чикиш вақтида макарон маҳсулотларининг қуритиш обьекти сифатидаги иккита асосий хусусиятини ҳисобга олиш лозим:

- маҳсулотлар намлигини 29–30 дан 13–14% гача пасайиши вактида уларнинг чизикли ва ҳажмий ўлчамлари 6–8% га камайди;
- куритиш жараёнида маҳсулотларнинг структуравий-механик хоссалари ўзгарилиши.

Куритилаётган маҳсулотлар структуравий-механик хоссалари ўзгаришининг тартиби маълум миқдорда куритувчи ҳавонинг параметрлари, биринчи навбатда унинг ҳарорати ва намлиги билан белгиланади.

Бугунги кунда ҳавонинг ҳароратига қараб, макарон маҳсулотларини конвектив усулада қуритишнинг учта асосий режимидан фойдаланилади:

- куритувчи ҳавонинг ҳарорати 60°C дан ошмайдиган анъанавий паст ҳароратли режимлар;
- куритишнинг маълум босқичида ҳавонинг ҳарорати 70–90°C га етадиган юкори ҳароратли режимлар;
- ҳавонинг ҳарорати 90°C дан юкори бўладиган ўта юкори ҳароратли режимлар.

Кўрсатилган учта ҳарорат режимларидан фойдаланилганда макарон маҳсулотлари структуравий-механик хоссалари ўзгаришининг ўзига хос томонларини кўриб чиқамиз.


Паст ҳароратли режимларда қуритишга келтирилаётган маҳсулотлар пластик материал хисобланади ва тахминан 20% намлиkkacha пластиклигини сақлаб туради. Намлини 20% дан 16% гача пасайтириш вақтида улар аста-секинлик билан ўзининг пластик хоссаларини йўқотиб, қайишқоқ каттиқ материалларга хос бўлган хоссаларга эга бўлиб боради. Бу намликда макарон маҳсулотлари қайишқоқ пластик материал хисобланади.

Тахминан 16% намликдан бошлаб макарон маҳсулотлари каттиқ қайишқоқ мўрт материалларга айланади ва бу хоссанини қуритишнинг охиригача сақлаб қолади.


Куритишнинг юмшоқ режимларида, яъни маҳсулотларни қуритиш қобилияти паст бўлган ҳаво билан қуритиш вақтида, ташки ва ички катламлар намликлари орасидаги фарқ катта бўлмайди, чунки нам намроқ ички катламлардан қуритилган ташки катламларга чиқишга

ултурди. Маҳсулотлар сиртидан намлини ажралиш тезлиги ички катламлардан намлини келиш тезлигига тенг бўлади. Маҳсулотнинг барча қатламлари тахминан бир текис кискаради: маҳсулотлар ўлчамларининг камайиши уларнинг намлигини пасайишига мутаносиб тарзда ортиб боради (24-расм, 1-тўғри чизик).

Куритишнинг каттиқ режимларида, яъни маҳсулотларни қуритиш қобилияти юкори бўлган ҳаво билан қуритиш вақтида, ташки ва ички катламлар орасидаги намлик фарқи, намлик ички қатламлардан ташки қатламларга келишга ултурмаганлиги сабабли, ўзининг энг катта қийматига эришади. Натижада курукроқ бўлган ташки катламлар ўзининг узунлигини кискартиришга ҳаракат килади, аммо бунга намлиги каттароқ бўлган ички қатламлар каршилик кўрсатади. Маҳсулотнинг ичидаги қатламлар чегарасида, силжишининг ички кучланишлари деб номланадиган кучланиш вужудга келади. Бу кучланишларнинг қиймати, маҳсулотлар сиртидан намлик қанчалик тез олиб кетилаётган, ички қатламлардан намликнинг келиши жадаллиги қанчалик оркада қолаётган бўлса, шунчалик катта бўлади.



24-расм. Макарон ўлчамларининг кискариши:
Ранги, юзаси, шакли маҳсулотларнинг ташки кўринишини тавсифлайди.

Маҳсулотларнинг ранги. Макарон маҳсулотларининг ранги кремсимон ёки сариқ тусли бир жинсли, уннинг навига мос, қорилмай колган уннинг изларисиз бўлиши керак. Кўшимчалар кўшиб тайёрланган маҳсулотларнинг ранги мос тарзда ўзига хос рангда бўлади.

98

Макарон маҳсулотларининг қаттиқ бугдойнинг ёрмачасидан ишлаб чиқаришида ҳосил бўладиган оттинранг-сарик, каҳрабосимон ранги мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шаффоф юмшоқ бугдойнинг ёрмачасидан кремсимон-сарик, олий навли бугдой унидан оч-кремсимон ранги, қаттиқ бугдойнинг ярим ёрмачасидан жигарранг тусли, юмшоқ шишиасимон бугдойнинг ярим ёрмачасидан ва биринчи навли новвойлик унидан эса кулранг тусли маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бунда уннинг кулдорлиги қанчалик юкори бўлса, маҳсулотлар шунчалик корамтири ранги бўлади.

Силлиқ юза маҳсулотларнинг рангига тўйиниш беради, дағал (ғадир-буудур) юза эса оқ тус беради.

Куритишининг биринчи боскичларida намликни тезлик билан ажратиш ҳамда қориш, шакл бериш ёки қуритишининг юкори ҳароратли режимларидан фойдаланиши очик тусли маҳсулотлар ҳосил бўлишини таъминлайди.

Маҳсулотларнинг юзаси. Макарон маҳсулотларининг юзаси силлиқ бўлиши керак, бироз дағаллик бўлишига йўл қўйилади.

Шакл берувчи тирқишлирага телефон ўрнатилган матрицалар орқали ҳамирга шакл берилганда доимо силлиқ юзали маҳсулотлар ҳосил бўлади. Тефлон ўрнатилмаган матрицалардан фойдаланилганда, юзасининг дағаллиги камрок бўлган маҳсулотларни олиш учун намлиги юкорирок бўлган ҳамирдан фойдаланиш лозим.

Маҳсулотларнинг шакли. Макарон маҳсулотларининг шакли ўз номига тўғри келиши керак. Макаронлар, перолар, вермишел ва уграда маҳсулотларнинг кўринишини ёмонлаштирилдиган букилишлар ва эгриликларга руҳсат этилади.

Кўйидагилар деформацияланган маҳсулотларга тааллукли:

- шаклини йўқотган ёки бўйламасига ёрилган найсимон маҳсулотлар, четлари эзилган ёки жуда эгриланган (макаронлар ва перолар) маҳсулотлар;

- йигилиб колган ёки хилга мос бўлмаган шаклдаги угралар; турга хос бўлмаган шаклдаги, тўлик ёки қисман эзилган шаклдор маҳсулотлар.

99

Макарон махсулотларининг турли хиллари учун деформацияланган махсулотларнинг рухсат этиладиган микдори 9-жадвалда келтирилган.

Махсулотлар шаклининг бузилиши асосан хамир намлигининг жуда юкорилиги, матрицалардаги нуксонлар ва нам махсулотларни эҳтиётизлилар билан бўлаклаш натижасида содир бўлади.

Махсулотнинг таъми ва хиди. Макарон махсулотларининг таъми ва хиди турига хос, бегона таъмлар ва хидларсиз (куйган, кўланса, мотор ва бошқа) бўлиши керак. Кўшимчалар қўшиб тайёрланган макарон махсулотлари мос тарзда ўзига хос таъм ва хидга эга бўлади.

9-жадвал

Деформацияланган махсулотларнинг рухсат этилган микдорлари (%)

Махсулотнинг тuri	Гурухлар учун меъёрлар					
	А		Б		В	
	1-синф	1-синф	1-синф	2-синф	2-синф	2-синф
Қадокланган махсулотлар: макаронлар шохчалар, перолар утра ва шаклор	1,5 5,0	2,0 5,0	1,5 5,0	2,0 5,0	4,0 5,0	8,0 8,0
Тортиб сотиладиган махсулотлар: макаронлар шохчалар, перолар утра ва шаклор	2,0 7,0	5,0 10,0	5,0 7,0	5,0 10,0	5,0 13,0	8,0 15,0

Махсулотнинг таъми ва хиди биринчи навбатда бошлангич уннинг сифатига боғлиқ бўлади. Агар ун бегона хид ва таъмларга эга бўлмаса, ундаги оксиллар микдори қанчалик кўп бўлса, қайнатилган макарон махсулотлари шунчалик ёқимти хид ва таъмга эга бўлади. Оксил микдори паст бўлган ундан крахмалсимон, унсимон таъмли махсулотлар хосил бўлади.

100

Махсулотларнинг қайнатишдан кейинги ҳолати. Макарон махсулотларининг тайёр бўлгунича қайнатилганида шаклини йўқотмаслиги, ёпишиб қол-маслиги, чокларидан сўклиб кетмаслиги керак.

Макарон махсулотларининг қайнатиш хоссаларига махсулотнинг зичлиги, уннинг сифати (асосан клейковина микдори), махсулотларнинг шакли ва дагаллик даражаси таъсир этади. Махсулотларнинг зичлиги, структурасининг мустаҳкамлиги қанчалик юкори бўлса, куруқ моддалар қайнатиш сувига шунчалик кам ўтади, қайнатишдан кейин сув шунчалик шаффофт бўлади. Зичлити юкори бўлган махсулотлар қайнатиш вактида ва қайнатишдан кейин шаклини яхши саклаб колади, лекин уларни тайёр бўлгунича қайнатишга кўп вакт талаб қилинади.

Унда клейковина микдори камайиши билан махсулотларни қайнатиш давомийлиги ва мустаҳкамлиги камаяди, қайнатиш сувидаги куруқ моддалар микдори ва махсулотларнинг ёпишувланилиги ортади. Аммо хўл клейковина микдори 25 дан 40% гача бўлганида макарон махсулотлари меъёрдаги қайнатиш хоссаларига эга бўлади.

Новоойлик унидан тайёрланган махсулотлар, юмшоқ бўйдой оксилларининг қаттиқ будой ёрмачасига нисбатан боғлаш хусусияти кичиклиги туфайи қайнатишга ҷидамсиз бўлади.

Махсулотларнинг шакли биринчи навбатда тайёр бўлгунича қайнатиш давомийлигига таъсир кўрсатади: махсулот деворларининг қалинлиги ортиши билан қайнатиш давомийлиги ортиб боради.


Махсулотлар юзасининг дагаллиги ортиши билан куруқ моддаларнинг ўйқотилиши ҳам ортади, лекин тайёр бўлгунича қайнатиш давомийлиги бирмунча қискаради.

Махсулотнинг намлиги. Узоқ, қатнаш қийин бўлган худудларга юбориладиган ҳамда денгиз йўли билан ташиладиган макарон махсулотларининг намлиги 11% дан; болалар овқатланиши учун мўлжалланган махсулотларнинг намлиги 12% дан; қолган барча махсулотларнинг намлиги 13% дан ошмаслиги керак.

Макарон махсулотининг намлиги унинг муҳим сифат кўрсаткичي бўлиб, унга кўра махсулотларнинг бузилмасдан узоқ вакт сакланиши белтиланади. Шу билан бирга у тайёр

Макаронларнинг мустахкамлик мөъёrlари, макарон
маҳсулотларидаги синиклар ва ушокларнинг йўл
қўйиладиган микдорлари

Кўрсаткичлар	Турхулар учун мөъёrlар					
	А		Б		В	
1- синиф	2- синиф	1- синиф	2- синиф	1- синиф	2- синиф	
Диаметрига (мм) кўра макаронларнинг мустахкамлиги, Н (Ньютон), кам эмас:						
3,0 дан кичик	X	и	с	об	г	а
3,0 дан 3,4 гача	1,0		0,8	0,8	-	-
3,5 дан 3,9 гача	1,2		1,0	1,0	0,8	0,8
4,0 дан 4,4 гача	2,0		1,6	1,6	1,0	1,0
4,5 дан 4,9 гача	2,2		2,0	2,0	1,2	1,2
5,0 дан 5,4 гача	2,8		2,5	2,5	1,6	1,6
5,5 дан 5,9 гача	3,6		4,0	3,0	2,0	2,0
6,0 дан 6,4 гача	5,0		5,5	4,0	3,0	3,0
6,5 дан 6,9 гача	6,0		7,0	5,0	4,0	4,0
7,0 ва ундан кўп	7,0		8,0	6,0	6,0	4,5
Махсулотлардаги синиклар микдори, %, кўп эмас:						
қадоқланган махсулотларда	4,0		5,0	8,0	10,0	17,5
тортиб сотиладиган махсулотларда	7,0		10,0	12,5	15,0	17,5
Ушоклар микдори, % кўп эмас:						
қадоқланган махсулотларда						
макаронлар	2,0		2,0	3,5	3,5	4,0
шохчалар ва перолар	2,0		3,0	2,0	3,0	4,0
шаклдор	3,0		5,0	3,0	5,0	5,0
вермишел ва уграда тухумли вермишелда	10,0		10,0	11,0	12,0	13,0
ва уграда	12,0		-	13,0	-	15,0
тортиб сотиладиган махсулотларда						
макаронлар	2,0		2,0	3,5	3,5	5,0
шохчалар ва перолар	5,0		7,0	5,0	7,0	13,0
шаклдор	5,0		10,0	5,0	10,0	7,0
вермишел ва уграда тухумли вермишелда	10,0		10,0	11,0	12,0	12,0
	12,0		-	13,0	-	15,0



34-расм. Макароннинг мустахкамлиги ва наслиги орасидаги боғлиқликни ифодаловчи номограмма.

Мустаҳкам бўлмаган макарон маҳсулотлари қадоқлаш вактида қадоқловчи машиналарнинг ишчи органлари таъсири остида, уом ҳолида жойлашда, ташиш вактида тебранишлар ва кутида юқори қатламларга жойлашган маҳсулотларнинг массаси таъсири остида синади.

Калта қирқилган маҳсулотларнинг мустаҳкамлигини аниқлашнинг мос услуги бўлмаганлиги сабабли шартли тарзда бу маҳсулотлардаги ушоклар микдори аниқланади.

Макарон маҳсулотларининг мустаҳкамлиги қўймати куритиш режимига боғлиқ бўлади: намлики ажратишнинг охирги босқичларидаги каттиқ қуритиш режими маҳсулотда ёриклар пайдо бўлишига, структурасининг кучизланишига сабаб бўлади.

Макарон маҳсулотларининг мустаҳкамлигига уларнинг намлиги ҳам маълум даражада таъсир кўрсатади. 34-расмда тасвирланган номограмма ёрдамида макароннинг мустаҳкамлиги ва намлигига кўра, шу турдаги макарон намунасининг бошка исталган намлигидаги (10 дан 16% гача) мустаҳкамлигини аниқлаш мумкин.

М и с о л . 14,2% намлика макароннинг механик мустаҳкамлиги 4 Н га тенг. Шу макароннинг намлиги 13% гача пасайтирилганда унинг мустаҳкамлик қўймати аниқлансан.

Номограммадан (34-расм) 14,2% намлика ва 4 Н мустаҳкамликка тўғри келадиган А нуктани топамиз. Бу нукта номограмманинг бирон-бир эгри чизигида ётмаганлиги сабабли, у орқали иккита кўшни чизикларга ўхшаш чизик ўтказамиз. Абсциссалар ўқидаги $W=13\%$ нуктадан ўтказилган эгри чизик билан кесишгунга кадар перпендикуляр тўғри чизик ўтказамиз (Б нукта). Ординаталар ўқига Б нуктадан туширилган перпендикуляр макароннинг изланаётган мустаҳкамлиги қўйматини $P = 5$ Н билдиради.

Металломагнит аралашмалар микдори. Макарон маҳсулотларидаги металломагнит аралашмалар микдори 1 кг маҳсулот учун 3 мг дан ошмаслиги керак. Металл аралашмалар алоҳида заррачаларининг катталиги 0,3 мм дан ортиқ бўлмаслиги керак.

Металл аралашмалар маҳсулотларга ишлаб чиқариш ва ташиш жараёнида улар таъсирлашадиган машина

ва механизм деталларининг ейилиши ёки синиши натижасида тушади.

Дон маҳсулотлари заараркунандаларининг мавжудлиги. Макарон маҳсулотлари ҳам дон, ун ва бошқа дон маҳсулотлари сингари турли хил заараркунандалар билан зааррланиши мумкин. Ҳашаротлар ҳом ашёга ва макарон маҳсулотларига сақлаш ва ташиш вактида тушиши мумкин.

Макарон маҳсулотларида заараркунандаларининг бўлишига рухсат этилмайди.

Калит сўзлар ва таянч иборалар

Макарон маҳсулотларининг сифат кўрсаткичлари; деформацияланган маҳсулотлар; макароннинг мустаҳкамлиги; макароннинг синиклари; макарон маҳсулотарининг ушоклари.

Назорат саволлари

1. Макарон маҳсулотларининг сифати кайси стандарт талабларига жавоб бериши керак?
2. Кайси кўрсаткичлари бўйича макарон маҳсулотларининг сифати аниқланади?
3. Турли ҳом ашёлардан тайёрланган макарон маҳсулотларининг ранги канака бўлиши керак?
4. Маҳсулот юзасининг силликлигига қандай омиллар таъсир этади?
5. Макарон маҳсулотларининг намлиги қандай аҳамиятга эга?
6. Макарон маҳсулотларининг кислоталилигига қандай омиллар таъсир этади?
7. Макарон маҳсулотларининг таъми ва хиди қандай талабларга жавоб бериши керак?
8. Сифатли макарон маҳсулотлари қайнатилгандан сўнг қандай хоссаларга эга бўлиши керак?
9. “Деформацияланган маҳсулотлар” ибораси нимани англатади?
10. “Макарон синиклари” ибораси нимани англатади?
11. Макарон маҳсулотларининг ушоклари ибораси нимани англатади?

12. Макароннинг мустаҳкамлигига қандай омиллар таъсир этади?
13. Номограмма ёрдамида макаронларнинг мустаҳкамлиги кандай килиб аниқланади?
14. Макарон маҳсулотларида металл аралашмалари канча микдорда ва қандай ҳолатда бўлишига ижозат берилади?
15. Макарон маҳсулотларида дон маҳсулотларининг зараркунацалари мавжуд бўлиши мумкинми?

VII 6 б. МАКАРОН МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ НОАНЪНАВИЙ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Кейинги йилларда кўпчилик мамлакатларда буғдой унидан тайёрланадиган анъанавий макарон маҳсулотлари билан биргаликда уларнинг ноанъанавий турларини ишлаб чиқариш ҳам кенг тарқалмоқда. Бунинг сабаби ишлаб чиқариш давомийлиги ва энергия сарфини камайтириши, маҳсулотларга ошпазлик ишлов бериш вактини кисқартириш, ноанъанавий хом ашёлардан фойдаланиб макарон ишлаб чиқариш саноатининг хом ашё базасини кенгтиришдан иборатdir. Ноанъанавий макарон маҳсулотлари гурухига кўйдагиларни киритиш мумкин: узоқ муддат сакланадиган нам макарон маҳсулотлари; тез пишибадиган ва қайнатишни талаб қилмайдиган макарон маҳсулотлари; клейковинасиз крахмали хом ашёдан тайёрланган маҳсулотлар.

УЗОҚ МУДДАТ САКЛАНАДИГАН НАМ МАКАРОН МАҲСУЛОТЛАРИ.

Макарон маҳсулотларининг анъанавий курук кўринишдаги турларини ишлаб чиқариш билан бирга кўплаб мамлакатлarda куритилмаган, ҳўл макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам кўзда тутилган. Хусусан Италияда намлиги 30% дан, кислоталилиги 6 градусдан ортиқ бўлмаган нам маҳсулотлар ишлаб чиқарилади. Бундай маҳсулотларнинг советкичда сакланиш муддати 4 суткани ташкил қиласди.

Нам макарон маҳсулотлари асосан ошхоналар ва кафеларда истеъмол қилишга мўлжалланган, аммо нархининг арzonлиги ва тез пишиши сабабли уларга турли мамлакатлар аҳолисининг талаби ортиб бормокда. Нам

макарон маҳсулотлари Франция, Буюк Британия ва АҚШда ҳам кенг тарқалмоқда.

Россияда 1992 йилда нам макарон маҳсулотлари бўйича техник шартлар (ТУ 8-11-94-91) тасдиқланган. Бу ҳужжат олий навли новвойлик унидан қўшимчасиз ёки қўшимчали ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришин назарда тутади. Маҳсулотнинг намлиги 28% дан, кислоталилиги қўшимчасиз маҳсулотлар учун 4 градусдан, томат маҳсулотлари кўшилган маҳсулотлар учун 10 градусдан ортиқ бўлмаслиги керак. Маҳсулот цеплофан ёки полистилен плёнкадан тайёрланган пакетларга ёки пергаментга қадоқланган бўлиши керак. Маҳсулотнинг сакланиш муддати – 15°C да 30 суткадан, хона ҳароратида 24 соатдан ошмаслиги лозим. Аммо нам макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш кенг тарқалмаган. Буни бактериялар ва мөгор замбуругларнинг тез ривожланиши туфайли нам макарон маҳсулотларини сакланиши муддатининг кисқалиги билан тушунтириш мумкин.

Нам макарон маҳсулотларининг сакланиш муддатини узайтириш учун хорижда турли усуслардан фойдаланили: музлатиш, иссиқлик ишлови бериш, вакуум ва ростланадиган газ мухитида қадоқлаш, макарон хамиринг pH ни ўзгarterиши ва бошқа усуслар.

Нам маҳсулотларни музлатиш ва шу кўринишда саклаш, музлатишнинг чукурлигига караб уларнинг сакланиш муддатини 90–130 суткагача узайтириш имкониятини беради. Аммо саклашнинг бундай усули иктисадий нуткан назаридан самарасиз бўлиб, факат масалликларни тайёрланган (чучваралар ва шунга ўхшашлар) нам маҳсулотлар учун кўлланилади.

Нам макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун куйидаги усуслар кенг тарқалган: иссиқлик ишлови бериш, вакуумда ёки ростланадиган газли мухитда қадоқлаш.

Италияда қадоқланган нам маҳсулотларга 120–130°C да ишлов бериш усули ихтиро қилинган. Бундай маҳсулотларни герметик қадоқланган холда саклаш муддати 60–90 суткани ташкил қиласди.

АҚШ да намлиги 30% дан ортиқ бўлмаган нам утргани харорати 200°C атрофидаги бүт билан юзаки буглаш ва

уларни кислород микдори 1% дан ортиқ бўлмаган пакетларга қадоқлаш усули ихтиро қилинган.

“Паван” (Италия) фирмасида узок вакт сақланадиган нам макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг технологияси ишлаб чиқилган. Бу технология бўйича пастеризациялаш одатда буғда, баъзи холларда харорати 84°C бўлган иссиқ сувли бақда қисқа вакт ичидаги амалга оширилади. Микроорганизмларнинг иссиқлик ёрдамида ҳаёт фаолиятини тўхтатиш билан бирга бундай ишлов бериш маҳсулот сарик рангининг тўйинишига ва крахмалнинг декстринланиши натижасида мумсимон юзага эга бўлишига ёрдам беради. Буларнинг барчаси маҳсулотнинг эстетик кўринишини яхшилади.

Иссиқ сув ёки буғ билан ишлов берилган нам маҳсулотларни дастлаб куритиш натижасида уларнинг намлиги 30% гача пасайтирилади ва маҳсулотнинг ёпишкоклиги камайтирилади. Куритиш ҳавонинг юкори нисбий намлигида (маҳсулот юзасидаги ёрикларни йўқотиш учун) ва 70°C да 40 минут давомида амалга оширилиши тавсия этилади. Шундан кейин маҳсулотларни қўйидаги талабларга риоя қилган холда совитиш керак:

- микроорганизмлар фаолиятини пасайтириш мақсадида маҳсулотларни тезда совитиш;
- ҳаводан микроорганизмлар тушиши ва маҳсулотнинг бир-бири билан ёпишиб қолмаслиги учун совитишни герметик камерада амалга ошириш.

Совиткичда ва ҳавода сақлашга мўлжалланган маҳсулотларни совитиш режими бир-биридан фарқ килади. Маҳсулотларни совиткичда 3–4°C да сақлаш кўзда тутилган бўлса, бу маҳсулотларни қадоқлашгача шу хароратгача совитиш керак. Xона хароратида узок вакт сақлашга мўлжалланган макарон маҳсулотларини эса тахминан 15°C гача совитиш керак. Бу хароратда микроорганизмлар ривожланмайди, кейинги пастеризациялаш жараёнинг сарфланадиган энергия сарфи камаяди.

Қадоқланган маҳсулотларни охирги пастеризациялаш ҳарорати 95–97°C бўлган ҳаво билан амалга оширилади.

Бу хароратда маҳсулотларни сақлаб туриш 40 дан 60 минуттача вактни ташкил қиласи. Бундай шароитда маҳсулотларнинг ички қисмида харорат 84°C атрофида бўлиши керак.

Пастеризацияни микротўлкинлар (ЎЮЧ энергияси билан ишлов бериш) ёрдамида амалга ошириш мумкин. Бунда маҳсулотларнинг сақланиш муддати яна ҳам узокроқ бўлади.

Микроорганизмлар маҳсулотга қадоқлаш идишидан ўтиши ва унинг ичидаги ривожланиши мумкин. Шунинг учун кўпчилик фирмалар нам макарон маҳсулотларини қадоқлаш учун мўлжалланган идишларга асептик моддалар, масалан аскорбиллпамитат билан ишлов берилади ёки бу идишлардаги ҳаво азот ёки углерод диоксиди билан алмаштирилади. Шундан сўнг идишларда нам макарон маҳсулотлари қадоқланади.

Нам макарон маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг асосий мақсади анъянавий ишлаб чиқаришга хос бўлган узок муддатли куритиш жараёнини бартараф этишдир. Аммо юкорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, нам макарон маҳсулотларини сақлаш муддатини узайтириш учун уларни музлатиш ёки пастеризациялаш, кейин эса газ муҳити ростланадиган пакетларга қадоқлаш керак. Бу жараёнлар ҳам вактни, ҳам жиҳозларни ва шунга тегишли харажатларни ҳам талаб қиласи.

Анъянавий макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга хос бўлган узок муддатли куритиш жараёнини бартараф этиш ва нам макарон маҳсулотларини сақлаш муддатини ошириш мақсадида Г.М.Медведев ва М.Г. Ваисиевлар бир канча тадқиқот ўтказдилар. Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатдикли, нам макарон маҳсулотларини нам ўтказадиган пакетлар ва қутичаларга кичик микдорда қадоқлаш мақсадга мувофиқдир. Бундай идишларда уй шароитида сақланган нам макарон маҳсулотлари маълум доимий намлиkkача курийди ва уларни оддий қуруқ макарон маҳсулотлари сингари узок вакт сақлаш мумкин. Нам макарон маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг бу оддий усули айниқса кичик корхоналар учун мўлжалланган.

Ўзбекистонда O'z DSt 395-2001 бўйича ўзбек миллий таоми хамир тайёrlанмаси “Лагмон” ишлаб чиқарилади. Хамир тайёrlанмаси уннинг навига қараб, олий ва биринчи навларга бўлинади. “Лагмон” 0,5 ва 1,0 кг массада қадокланган ва тортиб сотиладиган ҳолларда ишлаб чиқарилади.

Стандарт талабига биноан “Лагмон” квадрат, айлана киркимли узун иллар кўринишига, силтик, қорилмаган белгиларсиз, пахта ёғи суртилган юзага, бир текис ун навига мос ранга, маҳсулотга хос тъым ва хидга эга бўлиши лозим. Қайнатилгандан сўнг маҳсулот ўзининг шаклини сақлаб қолиши, бир-бирига ёпишиб қолмаслиги ва хамир иллари узилмаслиги керак.

“Лагмон” дон зараркунандалари билан зарарланмаган, ҳаво ҳарорати 8°C дан юкори бўлмаган ва нисбий намлиги $65\pm5\%$ бўлган хоналарда, стандарт талабларига биноан қадокланган ва жойланган ҳолда сакланиши лозим. Ушбу шартларга риоя қилган ҳолда “Лагмон”ни чакана савдода саклаш муддати 24 соатдан ошмаслиги керак.

Тез пишадиган ва қайнатишни талаб қилмайдиган маҳсулотлар.

Тез пишадиган маҳсулотларга 3–5 минут давомида қайноқ сувда пишадиган макарон маҳсулотлари таалпукли. Қайнатишни талаб қилмайдиган макарон маҳсулотлари деб, ҳарорати 80–85°C бўлган сувда 3–5 минут давомида пишадиган маҳсулотларга айтилади.

Деворларининг қалинлиги 0,5–0,7 мм бўлган анъанавий макарон маҳсулотлари, утра ва шўрвага солинадиган маҳсулотлар, ингичка вермишеллек макарон маҳсулотлари тез пишадиган хисобланади. Аммо бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун жуда аниқ матрицалар талаб килинади, шунга кўра пресснинг унумдорлиги ҳам кичик бўлади. Бундай маҳсулотларни куритиш учун камрок вакт талаб килинади, буғли конвейерли куриткичлардан фойдаланиб куритиш режимини юмшатишга имконият мавжуд. Аммо қалинлигининг кичикилиги туфайли бу маҳсулотларнинг мустаҳкамлиги ҳам анча кичик бўлади. Бу эса қадоклаш ва ташиш вақтида уларни синувчанлигини белгилайди. Демак, қалинроқ маҳсулотлардан тез

пишадиган макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш муҳим масала хисобланади.

Калинлиги 0,8–1,2 мм бўлган тез пишадиган маҳсулотларни тайёrlаш учун уларга пресслашдан ёки дастлабки куритишдан кейин қисман гигротермик ишлов берилади ва стандарт намлиkkacha охирги куритиш кўлланилади. Бундай ишлов бериш оксилларнинг қисман денатурланишига ва крахмалнинг қисман клейстерланишига, яъни маҳсулотнинг дастлаб қисман пишишига олиб келади. Буларнинг барчаси тайёrlаш вақтида маҳсулотни қайнатиш вақтини камайишига сабаб бўлади.

Бу турдаги тез пишадиган макарон маҳсулотларини ишлаб чиқариш вақтида юзага келадиган асосий қийинчилик – уларга гигротермик ишлов беришдан кейин крахмалнинг қисман клейстерланиши натижасида маҳсулотларнинг юза қатламларида ёпишқокликтининг пайдо бўлиши хисобланади. Шунинг учун буг билан ишлов бериш тебранма-буғлатичларда маълум параметрдаги буг ва хавони биргаликда бериш билан амалга оширилади.

Қайнатишни талаб қилмайдиган маҳсулотларни тайёrlаш усули нам ёки куритишган макарон маҳсулотларини чукур гигротермик ишлов беришга асосланган. Хусусан намлиги 28–32% ва деворларининг қалинлиги 0,6–0,8 мм бўлган нам маҳсулотларни тўлиқ буғлаш, уларга ҳарорати 105–120°C бўлган буг билан 10 минут атрофида ишлов бериш билан эришилади. Куритишдан кейин бу маҳсулотлардаги крахмал модификацияланган ҳолатда бўлади: иссиқ сув билан намланганда клейстерланган крахмалнинг хоссалари тикланади.

Қайнатишни талаб қилмайдиган урга ишлаб чиқаришнинг варианtlаридан бири қалинлиги 0,8–1,0 мм бўлган хамир тасмасини хосил килиш, унга 41,4 кПа бўлган буг билан 1,5–3 минут давомида ишлов бериш, тасмани куритиш, урга шаклида қирқиш ва уграни охирги куритишини ўз ичига олади.

Қайнатишни талаб қилмайдиган макарон маҳсулотларига “рамион” Хитой уграси ҳам киради. У ҳарорати 180°C гача бўлган ўсимлик ёғида 70 секунд давомида

пиширилади, кейин 20°C гача совитилади. Бундай усулнинг афзалиги жараённинг тез содир бўлиши хисобланади. Жараён вақтида маҳсулотлар ўз намлигининг буғланиши натижасида пиширилади. Шу билан биргаликда маҳсулотларнинг намлиги 6,5% гача пасаяди.

Клейковинасиз крахмали хом ашёдан тайёрланган макарон маҳсулотлари. Клейковинасиз крахмалга бой бўлган хом ашёларга (KKX) буғдойдан ташкари бошоқли экинлар (шоли, арпа, оқ жўхори, сули), тугунаклилар (картошка) ва дуккаклиларнинг (нўхат, люпин) уни ва крахмали киради. Макарон маҳсулотлари тайёрлашда буғдой унига KKХни табиий ҳолда кўшиш, маҳсулотнинг асосий структура хосил килувчи элементи – клейковина оксиллари микдорини камайтиради. Натижада макарон маҳсулотларининг физик хоссалари ёмонлашади: прессланадиган ярим тайёр маҳсулотларнинг мустахкамлиги ва пластиклиги пасаяди, маҳсулотларни қайнатиш вақтида ёпишиш ва куруқ моддаларнинг йўқотилиши ортади. Шунинг учун анъанавий усулда макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда KKХнинг мөъёргаги сифатли буғдой уни билан аралашмаси 10% дан ошмайди.


KKX нинг маҳсулотлардаги микдорини кўпайтириш учун, уларни дастлаб клейстерлаш тавсия этилади. Бунда KKX елимловчи хоссаларга эга бўлади. Аммо KKХни клейстерланган ҳолда кўшиш, табиий ҳолда кўшишига нисбатан мақсадга мувофиқ эмас. Чунки қайнатиш вақтида бундай макарон маҳсулотларининг структураси жуда ёмонлашади.

Шу билан бирга, оксилсиз ёки аглютен (клейковинасиз) пархез керак бўладиган ўтиқр буйрак касаллиги ва бошка касалликлар билан касалланган болаларнинг овқатланиши учун маҳсулотларнинг ассортиментини кенгайтириш мақсадида, бутунлай KKХдан иборат бўлган макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг мақсадга мувофиқ эканлигини қайд этиб ўтиш лозим. Бундан ташкари бир қатор Осиё давлатларидаги крахмали макарон маҳсулотлари миллий таом хисобланади.

Макарон ишлаб чиқаришда кўлланиладиган режимларига хос бўлган кориш ва шакл беришнинг

ҳарорат-намлик режимларидаги табиий крахмал ковушок-окувчан хоссаларга эга бўлмаганлиги туфайли, KKХдан анъанавий технология билан макарон маҳсулотларини тайёрлаб бўлмайди. Шунинг учун хорижий фирмалар KKХдан макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда крахмалнинг маълум кисмини клейстерланган ҳолда ишлатадилар.

35, а-расмда тасвириланган “Брайбанти” (Италия) фирмасининг KKХ дан макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологик схемасида гуруч уни сақлаш бункери 1 дан циклон 2 орқали қайнатиш аппарати 3 га келади. Бу ерга сув ҳам берилади. Ун билан сувнинг нисбати 1:5. Аппарат буг кўйлаги билан жиҳозланган. Аппаратда 95°C да 30 минут давомида суспензияни узлуксиз аралаштириб, уннинг қайнатмаси хосил бўлади. Қайнатилган суспензия насос 4 билан пресснинг кориш тогораси 5 га берилади. Бу ерга макарон маҳсулотни тайёрлашда ишлатиладиган хом ашёнинг қолган 93–95% ҳам берилади. Компонентлар 15 минут давомида корилганидан кейин сочиувчан масса шнекли камерага келади ва 35–40°C да матрица орқали ўтказиб шакл берилади. Бунда куритиш иккى босқичда: дастлаб маҳсулотлар ёпишиб қолишининг олдини олиш учун дастлабки куриткич 6 да, кейин эса барабанли куриткич 7 да амалга оширилади.



35-расм. “Брайбанти (а) ва “Бассано” (б) фирмаларининг клейковинасиз крахмали хом ашёдан макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологик схемалари.
8-313

35, б-расмда “Бассано” фирмасининг ККХдан макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг технологик схемаси кўрсатилган. Бу схема олдингисидан шуниси билан фарқ қиласдики, бунда ККХнинг катта кисми (25%) клейстерланади. Бунинг учун аралаштиргичи бак 3 да ККХ ва сув 1:2 нисбатда берилади. Ичига 0,4 МПа босимли буг бериладиган барабанли клейстеризатор 2 да бир вактнинг ўзида суспензияни клейстерланиши ва қуритиш содир бўлади. Клейстерланган масса тегирмон 1 да яничилади, оралиқ бункер 4 га берилади, тешикларининг ўлчамлари 125 мкм бўлган элак 5 орқали элакланади ва хом ашёларнинг қолган кисми билан аралаштириш учун аралаштиргич 6 га берилади. 15–20 минут давомида аралаштирилган хамирга шнекли макарон пресси 7 да шакл берилади. Прессланадиган маҳсулотлар тасмали қуриткич 8 да 35°C да ва 60% нисбий намлиқда қуритилади.

Россия новвойлик илмий-текшириш институтининг макарон лабораториясида ишлаб чиқилган оқсилсиз вермишел тайёрлаш технологик схемаси шунга ўхшайди. Унинг фаркли томони хамирнинг 85% табиий ва 15% бўккан маккажӯхори крахмалида корилишидадир. Вермишел ЛПЛ-2М пресси ва буглии конвейерли қуриткичга эга бўлган механизациялаштирилган узлуксиз ишлайдиган жиҳозлар каторида тайёрланади.

Крахмали шарқ угарасини тайёрлаш учун хамир намлиги 45% гача бўлган ККХ дан корилади, валиклар орқали тасма ҳолида ёйилади ва тасма утра шаклида кесилади. Кейин утраннинг структурасини мустаҳкамлаш учун буг билан ёки иссанк сув билан ишлов берилади, бундан кейин музлатилади ёки қуритилади.

ККХдан макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг юкорида кўрилган усулларида клейковина бўлмаганида боғловчи компонент ва пластификатор вазифасини клейстерланган крахмал бажаради. Агар курук ҳолда крахмалнинг елимловчи хоссалари клейковинанинг елимловчи хоссаларидан кам бўлмаса-да, кайнатиш вактида улар клейковинадан фарқ килиб, маҳсулотларнинг структурасини сақлаб турмайди, балки

юмшаш натижасида уни кучизлантиради. Шунинг учун ККХдан тайёрланган маҳсулотларнинг қайнатиш хоссалари, буғдои ундан тайёрланган маҳсулотларнинг қайнатиш хоссаларидан паст бўлади. Бундан ташкари дастлаб клейстерланган ёки бўккан крахмалдан фойдаланиш ККХдан тайёрланган маҳсулотларнинг таннархини оширади ва уларни ишлаб чиқариш технологиясини мураккаблаштиради.

Медведев Г.М. томонидан таклиф қилинган ККХдан макарон маҳсулотлари тайёрлашнинг, хамирни юкори ҳароратли кориш ва унга иссанк экструзиялаш билан шакл берисдан фойдаланиладиган усули юкорида келтирилган камчиликларга эга эмас. Бу ҳолда хамир коришнинг юкори ҳароратлари крахмал донларининг бир қисмини кристаллсизон структурасини бузилишига, кейинги шнекли камерада пресслашда эса уларнинг желатинланган ҳолатта ўтишига олиб келади.

Желатинланган крахмал, клейстерланган крахмал сингари елимловчи ва пластиковчи хоссаларга эга бўллади, аммо клейстерлашдан фаркли тарзда желатинланиш хамирга айланувчи шнек томонидан бериладиган силжиш кучлари таъсири остида, намлик танқислиги шароитида содир бўлади. Бошқача қилиб айтганда, клейстерланиш – бу крахмалнинг гидротермик деструкцияси, желетинланиш эса механотермик деструкциянишидир. Буни макарон прессида хамир массасини маълум ҳарорат-намлик шароитларида киздириш хисобига кўшимча қурилмалардан фойдаланмасдан амалга ошириш мумкин.

Калит сўзлар ва таянч иборалар

Узок муддат сақланадиган нам макарон маҳсулотлари; ростланадиган газ мухитида маҳсулотларни қадоқлаш; тез пишадиган ва кайнатишни талаб кильмайдиган макарон маҳсулотлари; клейковинасиз крахмали хом ашёдан тайёрланган маҳсулотлар; желатинланган крахмал.

Назорат саволлари

1. Ноанъанавий макарон маҳсулотлари гурухига қандай маҳсулотлар тааллукли?
2. Нима учун ноанъанавий макарон маҳсулотларини ишлаб чикарни кенг таркалмоқда?
3. Нам макарон маҳсулотларини саклаш муддатини узайтириш учун қандай чоралар кўрилади?
4. Нам макарон маҳсулотларини ишлаб чикарилишини кенгайтиришга кайси сабаблар тўсқинлик қиласди?
5. Кичик корхоналар учун мўлжалланган нам макарон маҳсулотларини ишлаб чикиришнинг оддий усулда ўзига хос хусусияти нимада?
6. Миллий таом “Лағмон” тайёрлаш учун мўлжалланган ярим тайёр маҳсулотнинг ўзига хос хусусияти нимада?
7. Қандай макарон маҳсулотларига тез пишадиган макарон маҳсулотлари тааллукли?
8. Қандай маҳсулотлар кайнатишни талаб қилмайдиган макарон маҳсулотлари дейилади?
9. Тез пишадиган макарон маҳсулотлари қандай қилиб тайёрланади?
10. Кайнатишни талаб қилмайдиган макарон маҳсулотлари қандай қилиб тайёрланади?
11. Клейковинасиз крахмали хом ашёдан тайёрланган макарон маҳсулотлари қандай хусусиятларга эга?
12. “Брайбанти” (Италия) фирмасининг технологик схемаси бўйича қандай қилиб ККХдан макарон маҳсулотлари ишлаб чикарилади?
13. “Бассано” фирмасининг технологик схемаси бўйича қандай қилиб ККХ дан макарон маҳсулотлари ишлаб чикарилади?
14. Крахмалли шарқ уграсини ишлаб чикариш кайси боскичлардан иборат?
15. ККХ дан макарон маҳсулотлари ишлаб чикаришда хамирни юқори ҳароратли кориш ва унга иссиқ экструзиялаш билан шакл беришининг моҳияти нимада ва бу усул қандай афзалликларга эга?

VIII б о б. МАКАРОН МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ХОМ АШЁ САРФНИ МЕЪЁРЛАШТИРИШ ВА ҲИСОБГА ОЛИШ

Макарон маҳсулотлари ишлаб чикариш корхоналарида ҳисобга олиш ва назорат килишининг вазифаси хом ашё, маҳсулот ва ёрдамчи материаллар йўқотилишини камайтириш, стандарт талабларига жавоб берадиган юкори сифатли макарон маҳсулотлари ишлаб чикаришини таъминлашдан иборат.

Макарон маҳсулотлари ишлаб чикаришда хом ашёнинг сарфи ва йўқотилиши.

Макарон ишлаб чикариш корхонаси ишининг энг асосий кўрсаткичларидан бири хом ашёни белгиланган меъёрларга асосан сарфлаш ҳисобланади.

Макарон ишлаб чикаришда хом ашёнинг режали сарфи, намлиги 13% бўлган бир тонна макарон маҳсулот ишлаб чикариш учун талаб қилинадиган 14,5% намлика келтирилган ун ва қўшимчалар микдорлари билан аникланади.

Хом ашё сарфини меъёрлаштириш, яъни режали меъёри белгилаш, ишлаб чикаришда ва режалаштирища хом ашёни асосланган сарфлаш меъёрини қўллаш мақсадида амалга оширилади. Бу эса хом ашёдан оқилона ва самарали фойдаланишини ва уни тежашни таъминлайди.

Хом ашё сарфининг меъёри – ишлаб чикаришдаги сарфлар ва йўқотишлардан иборат бўлади. Йўқотишлар эса, ўз навбатида ҳисобга олинган ва қайтарилмас йўқотишлардан иборат.

Хом ашё сарфининг меъёри қуйидаги формула билан ҳисобланади:

$$H_x = C_{\tau} + \bar{Y}_{x,o} + \bar{Y}_k,$$

бу ерда H_x – 1 тонна маҳсулотга хом ашё сарфининг меъёри, кг;

C_{τ} – хом ашёнинг технологик сарфи, кг/т;
 $\bar{Y}_{x,o}$ ва \bar{Y}_k – хом ашёнинг ҳисобга олинган ва қайтарилмас йўқотилиши, кг/т.

Кўшимчаларсиз макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш.
Бу холда ун сарфининг меъёри хам ашё сарфининг хам меъёри бўлиб ҳисобланади, яъни $H_y = H_x$.

Уннинг технологик сарфи C_t , яъни уннинг бевосита макарон маҳсулоти ишлаб чиқаришга ишлатилган микдори кўйидаги формула билан аникланади:

$$C_t = (100 - W_{m,m}) / (100 - W_y) \cdot 1000,$$

бу ерда $W_{m,m}$, W_y – мос тарзда тайёр макарон маҳсулотлари ва уннинг намлиги %.

Шундай қилиб, қўшимчасиз маҳсулот ишлаб чиқаришда уннинг режали намлиги (14,5%) ва маҳсулотнинг режали намлигига (13,0%) уннинг технологик сарфи кўйидагидан иборат бўлади:

$$C_t = (100 - 13,0) / (100 - 14,5) \cdot 1000 = 1017,54 \text{ кг/т}$$

Хисобга олинган йўқотишларга санитарик яроксиз ҳисобланадиган ун, ярим тайёр маҳсулотлар ва тайёр маҳсулотларнинг қайта ишлашга яроксиз бўлган ҳар қандай (унни элашдаги чиқиндилар, нам ва тайёр маҳсулотнинг ҳамир ушоқлари, қоплар чангидан ун, ифлосланган, ачиған, могоргаган ярим тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулот) турлари киради.

Бу йўқотишларнинг микдори технологик ва транспорт жихозларининг тури ва техник ҳолати, технологик жараённи тўғри олиб бориш, механизациялаштириш даражаси, корхонанинг куввати, иш жойларини ташкил қилиш, ишлаб чиқариш маданияти ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади. Шуларнинг ҳаммасидан келиб чиқиб ҳисобга олинган йўқотишларнинг микдори (14,5% намлигдаги унга ҳисобланганда) 2–4 кг/т ни ташкил килади.

Айтиб ўтилган йўқотишларнинг режали меъёрлари тажриба ишларини ўтказиш ва технологик жараённинг боскичлар бўйича бевосита барча турдаги санитарик яроксиз маҳсулотни ўлчаш билан белгиланади.

Уннинг базис намлиги 14,5% бўлганида ҳисобга олинган йўқотишларнинг микдори (кг/т):

$$\bar{Y}_{x,o} = Q_{x,o} \cdot (100 - W_{x,o}) / (M_{m,m} \cdot (100 - W_y)),$$

бу ерда $Q_{x,o}$ – ҳисобга олинган йўқотишларнинг тажриба вактида йигиб олинган массаси, кг;

$W_{x,o}$ – ҳисобга олинган йўқотишларнинг ўртача намлиги, %;

$M_{m,m}$ – тажриба ишларини амалга ошириш вактида ишлаб чиқарилган макарон маҳсулотларининг массаси, т;

W_y – уннинг базис намлиги (14,5%).

Ўрта кувватли корхоналар учун ун йўқотилишларнинг тавсия этиладиган энг катта кийматлари 11-жадвалда келтирилган.

Қайтарилмас йўқотишларга – қайтариб бўлмайдиган ва чиқинди сифатида йигиб олишнинг иложи бўлмайдиган йўқотишлар киради. Ишлаб чиқаришни ёмон ташкил қилинганида, етарлича технокимёвий назорат бўлмаганида улар катта микдорни ташкил қилиши мумкин.

Қайтарилмас йўқотишлар кўйидаги элементлардан иборат бўлади:

- унни омборхонага ташишдаги (ишлаб чиқаришгacha бўлган) йўқотишлар;
- уннинг ишлаб чиқариш биноларида, прессларига узатишда ёки ҳамир кориша чангиси;
- уннинг вентиляцион ҳаво билан олиб кетилиши;
- матрицаларни тозалаш вактида ҳамирнинг йўқотилиши;
- ун ва тайёр маҳсулотлар намлигини етарлича кимёвий назорат кильмаслик оқибатида йўқотишлар;
- уннинг идишлардаги колдиги ва бошқа йўқотишлар.

Қайтарилмас йўқотишларнинг микдори жихозларнинг, аспирацион, транспорт курилмаларининг конструктив ҳусусиятлари ва техник ҳолатига, ишлаб чиқаришни механизациялаштириш даражасига, технокимёвий назоратни ташкил қилишга ва матрицаларни алмаштириш тезлигига боғлиқ бўлади. Қайтарилмас йўқотишларнинг микдори турли кувватли корхоналар учун турлича бўлиб, 14,5% намлигдаги унга қайта ҳисобланганда 1–2 кг/т ни ташкил қилиши мумкин.

учун бу давр ичиди ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг ўртача намлигини (%) ҳам ҳисоблаш керак.

$$W_{m.m.a} = (M_1 \cdot W_1 + M_2 \cdot W_2 + \dots + M_n \cdot W_n) / (M_1 + M_2 + \dots + M_n),$$

Ун ва маҳсулотларнинг амалдаги намлиги аниқлангандан кейин ун сарфининг режадаги мөйёрини амалдаги сарф мөйёрига қайтадан ҳисоблаш амалга оширилади (кг/т):

$$H_{y,a} = H_y \cdot (100 - W_{m.m.a}) / (100 - W_{y,a}) \cdot (100 - W_{m.m}),$$

бу ерда H_y – уннинг режали сарфи мөйёри, кг/т;

$W_y, W_{m.m}$ – уннинг базис намлиги ва маҳсулотларнинг стандарт намликлари, %.

$W_y = 14,5\%$, $W_{m.m} = 13,0\%$, га тенглигини ҳисобга оладиган бўлсак, формула қуйидаги кўриништа келади:

$$H_{y,a} = H_y \cdot 0,983 \cdot (100 - W_{m.m.a}) / (100 - W_{y,a}).$$

Мисол. Уннинг корхонадаги режали сарфи 1023 кг/т ни ташкил қиласи. Ҳисобот даврида 1000 т ун сарфланган бўлиб, уннинг 300 тоннаси 14%, 300 тоннаси 13% ва 400 тоннаси 14,5% намлика эга эди. Бу вақт ичиди омборхонага 9000 тонна маҳсулот, шу жумладан, намлиги 12,6% бўлган шохчалар, намлиги 12,0% бўлган утра ва 11,8% намлика эга бўлган вермишел топширилган.

Уннинг режадаги сарфи мөйёрининг ун ва маҳсулотларнинг ўртача ўлчамма намлигини қайтадан ҳисоблаш талаб қилинади.

Дастлаб уннинг ўртача ўлчамма намлигини аниқлаймиз:

$$W_{y,a} = (300 \cdot 14,0 + 300 \cdot 13,0 + 400 \cdot 14,5) / 1000 = 13,9\%$$

Кейин маҳсулотларнинг ўртача ўлчамма намлигини аниқлаймиз:

$$W_{m.m.a} = (250 \cdot 12,6 + 300 \cdot 12,0 + 350 \cdot 11,8) / 900 = 12,1\%.$$

Энди уннинг режадаги сарфи мөйёрининг ун ва маҳсулотларнинг ўртача намлигига қайтадан ҳисоблаймиз, яъни уннинг амалдаги режали сарфини аниқлаймиз:

$$H_{y,a} = 1023 \cdot 0,983 \cdot (100 - 12,1) / (100 - 13,9) = 1026,6 \text{ кг/т.}$$

Омборхонага топширилган идишларга жойланган

маҳсулотнинг массаси ГОСТ 875 га кўра, уннинг стандарт намлигидаги (13,0%) массасига тўғри келиши керак. Юкори намликларни маҳсулотни истеъмолчига юбориб бўлмайди, намлик паст бўлганда жойланган маҳсулотларнинг массаси қўйидаги формула ёрдамида қайтадан ҳисобланади:

$$M_{m.m.a} = M_{m.m} \cdot 87 \cdot (100 - W_{m.m.a}),$$

бу ерда $M_{m.m.a}$ – амалдаги намлигидаги ($W_{m.m.a}$, %) жойланган маҳсулотлар массаси, кг;

$M_{m.m}$ – маҳсулотларнинг стандарт намликларни жойланган ва жойлаш воситасида кўрсатилиш масаси, кг.

Бундай қайта ҳисоблаш амалга оширилмаса ва жойланган маҳсулотлар намлиги назорат қилинмаса, маҳсулотларнинг керагидан ортиқ куриши ва ортиқча жойланиши натижасида уннинг мөйёрдан кўп сарфланганлиги юзага келади.

Ҳисобот хужжатларида, одатда маҳсулот омборхонага топширилганда, уннинг туркумини массаси стандарт 13% намликларни ҳисобланниб кўрсатилади. Бу ҳолда ун сарфларининг режали мөйёри амалдаги режали мөйёрга қайта ҳисобланниши, факат уннинг ўртача намлигига кўра амалга оширилади:

$$H_{y,a} = H_y \cdot 85,5 / (100 - W_{y,a})$$

Корхонага келаётган ун намлигининг микдори шу тарзда доимий назорат қилинганида, ун сарфи режадаги мөйёрининг бажарилишига таъсири этмайди.

Уннинг ортиқча сарфланишига, сарфлар мөйёрида белгиланган микдорлардан ортиқча уннинг йўқотилиши сабаб бўлади, шунинг учун буни синчилаб кузатиб бориш лозим. Барча ташиш механизмлари, ун ва ярим тайёр маҳсулотларни саклашга мўлжалланган курилмалар маҳсулот йўқотилишининг олдини олиш учун зич ёпилган бўлиши керак. Ярим тайёр маҳсулотни бўлаклаш вактида эса, сочилишнинг олдини олиш керак, бунинг иложи бўлмаган жойларда, масалан, тебранувчи столлар, конвейерли курилчи тагларига лотоклар ва тагликлар кўйиши лозим.

Куритиш бўлимида ва кассеталарда куритилган маҳсулотларни жойлашда, шкафлар ва вагонеткаларни ташиш, уларни бўшатиш, маҳсулотларни яшикларга

жойлашда йўқотишлар юзага келади. Бунинг олдини олиш учун жойлаш столлари остига лотоклар кўйиш лозим.

Ўлчашда, тузатилган ва текширилган тарозилардан фойдаланиш, кути ва яшикларни аниқ ўлчанганилигини кузатиб туриш керак.

Корхонада уннинг солиштирма сарфини назорат қилиш учун бир тонна маҳсулотга уннинг амалдаги сарфи даврий тарзда ҳисобланаб борилади. Бу ун омборидан ишлаб чиқаришга юборилган ун (пресслардаги хамир, куриткичлардаги ярим тайёр маҳсулотлар, тўплагичлардаги маҳсулотларнинг ўртача намлиқдаги унга ҳисобланган) массасининг, шу давр ичида корхонада ишлаб чиқарилган макарон маҳсулотларининг стандарт намлиқдаги массасига нисбати билан аникланади.

Шу муносабат билан уннинг солиштирма сарфини объектив равишида назорат қилиш мақсадида, ишлаб чиқаришга келаётган уннинг микдори ва намлигини аниқ ҳисобга олиш, барча чиқинидиларни йиғишириб олиш, омборхонага узатилаётган маҳсулот намлиқтини назорат қилиш лозим.

М и с о л. Корхонада уннинг режадаги сарфининг меъёри 1022,7 кг/т, шу жумладан ҳисобга олинган йўқотишларнинг микдори 2 кг/т. Ҳисобот даврида корхонага 1037 тонна 14,1% ўртача намлиқдаги ун келтирилган.

Шу давр ичида корхонада 1000 тонна (13% стандарт намлика ҳисобланган) маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ҳисобот даврининг охирида тугалланмаган ишлаб чиқаришида (пресслар, куриткич, йиғтичада) 20 тонна (14,1% ўртача намлиқдаги унга ҳисобланган) маҳсулот мавжуд бўлган.

Ҳисобот даврида йигиб туриб ҳисобга олинган йўқотишларнинг микдори (уннинг ўртача намлигига ҳисобланганда) 1,8 кг/т ни ташкил қилган.

Корхонада ҳисобот даврида ун сарфининг амалдаги меъёрини аниклаш ва уни режадаги меъёр билин такқослаш лозим.

Ун сарфини текшириш учун дастлаб ун сарфининг режадаги меъёрини (уннинг ўртача намлигига қайта ҳисоблаб) топамиз:

$$H_{y,a} = H_y \cdot 85,5 / (100 - W_{y,a}) = 1022,7 \cdot 85,5 / (100 - 14,1) = 1017,9 \text{ кг/т.}$$

Ҳисобот даврида сарфланган уннинг микдори $1037 - 20 = 1017$ тоннани ташкил килган.

Шундай килиб, бир тонна маҳсулот ишлаб чиқариш учун корхонадаги ун сарфининг амалдаги меъёри куйидагини ташкил қилган:

$$H_a = 1017 \cdot 1000 / 1002 = 1015,0 \text{ кг/т.}$$

Ҳисобга олинган йўқотишларнинг амалдаги меъёри:

$$W_{x,o,a} = 1,8 \cdot 1000 / 1002 = 1,8 \text{ кг/т, бўлиб бу режадагидан } 2,0 - 1,8 = 0,2 \text{ кг/т га паст.}$$

Демак, корхона ҳисобот даврида нафакат ун сарфи меъёрига амал қилинган, балки ҳар бир тонна ишлаб чиқарилган маҳсулот учун $1017,9 - 1015,0 = 2,9$ кг, шу жумладан ҳисобга олинган йўқотишларни пасайтириш ҳисобига $-0,2$ кг/т унни тежалига эришилган.

Калит сўзлар ва таянч иборалар

Ун сарфининг режадаги меъёри; ун сарфини меъёrlаштириш; уннинг технологик сарфланиши; ҳисобга олинган йўқотишлар; қайтарилмас йўқотишлар; бир тонна маҳсулотга уннинг амалдаги сарфи.

Назорат саволлари

1. Макарон ишлаб чиқаришда хом ашё сарфини меъёrlаштириш ва ҳисобга олиш қандай мақсадда амалга оширилади?

2. Корхонада хом ашё сарфининг режали меъёри нимани билдиради?

3. Уннинг ҳисобга олинган ва қайтарилмас йўқотишлари нималардан иборат?

4. Бир тонна маҳсулотга уннинг амалдаги сарфи қандай аникланади?

5. Корхонада ун сарфини текшириш қандай кетма-кетликда амалга оширилади?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришинг ривожлантириш түғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карорлари.
2. Васиев М.Г., Васиева М.А. Макарон маҳсулотлари технологияси. Майзуналар матни. – Бухоро, 2001. – 110 б.
3. Медведев Г.А. Технология макаронного производства. М.: Колос, 1998. – 272 с.
4. Сборник технологических инструкций по производству макаронных изделий. М.: ВНИИХП, 1991. – 132 с.
5. Медведев Г.М., Васиев М.Г. Производство сырых макаронных изделий длительного хранения. – М.: ЦНИИТЭИ хлебопродуктов, 1993. – 24 с.
6. Медведев Г.М., Васиева М.А. Использование рисовой дробленой крупы для производства макаронных изделий и других видов экструдированных пищевых продуктов. М.: ЦНИИТЭИ хлебопродуктов, 1994. 22 с.
7. Макарон маҳсулотларни оқсилсиз крахмал таркиби хом ашё асосида тайёрлаш. Дастрлабки патент № 2236. /Васиев М.Г., Васиева М.А., Мухамедов Х.Р. Ўзбекистон Республикаси ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари Давлат реестрида 11.12.1994 йида рўйхатдан ўтказилган.
8. Макарон маҳсулотлари. Дастрлабки патент № 4434. /Васиев М.Г., Мухамедов Х.Р., Курбанов О.Р., Васиева М.А. Ўзбекистон Республикаси ихтиролар Давлат реестри рўйхатидан 15.07.1997 йида ўтказилган.
9. Технологическое оборудование хлебопекарных и макаронных предприятий /Б.М.Азаров, А.Т.Лисовенко, С.А.Мачихин и др.; Под редакцией С.А.Мачихина. М.: Агропромиздат, 1986. 263 с.
10. Технология пицевых производств /Л.П.Ковальская, И.С.Шуб., Г.М.Мелькина и др. Под редакцией Л.П.Ковальской. М.: Колос, 1997. –752 с.
11. O'z DSt 395-2001. "Лағмон" ўзбек миллий таоми хамир тайёрлашаси.

I б о б. Кириш	.3
1-\$. Макарон ишлаб чиқаришнинг замонавий ҳолати ва ривожлантириши вазифалари	.3
2-\$. Макарон маҳсулотларининг озукавий киймати ва таснифи (классификацияси)	.6
3-\$. Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш асосий боскичларининг кисқача тавсифи	.12
II б о б. Макарон хамирини тайёрлаши ва пресслаши	.16
1-\$. Макарон хамирини тайёрлаш	.28
2-\$. Макарон хамирини пресслаши	.40
3-\$. Кориш ва хамирга шакл беришнинг юкори ҳароратли режимлари	.43
4-\$. Прессланаётган нам маҳсулотларнинг нуксонлари	.43
III б о б. Нам маҳсулотларни бўлаклаши	.47
1-\$. Нам маҳсулотларни хаво билан пулфаш	.49
2-\$. Маҳсулотларни бўлаклаш ва таҳлаш	.49
IV б о б. Нам маҳсулотларни куритиш, баркарорлаштириш ва совитиши	.50
1-\$. Куритишининг назарий асослари	.58
2-\$. Нам маҳсулотларини саноат қурилмаларида куритиш	.70
V б о б. Тайёр маҳсулотни саралаш, қадоклаши ва саклаши	.90
VI б о б. Макарон маҳсулотлари сифатига қўйиладиган талаблар	.98
VII б о б. Макарон маҳсулотларининг ноањанавий турларини ишлаб чиқариш	.106
VIII б о б. Макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда хом ашё сарфини меъёrlаштириш ва хисобга олиш	.117
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	.126

1300 ₸

М.Г.Васиев, М.А.Васиева

Нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари
ишлаб чиқариш технологияси

**III БЎЛИМ. МАКАРОН МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

(Касб-хунар коллежлари учун дарслик)

Муҳаррир *П.Аъзамова*
Мусаввир *Ю.Габзалилов*
Техн. муҳаррир *Т.Смирнова*
Мусаххих *Ф.Ортикова*

Босишига 17.09.2002 й.да руҳсат этилди. Бичими 84×108 $\frac{1}{32}$.
Таймс гарнитура. Офсет босма. Шартли б.т. 6,72. Нашр б.т. 6,0.
Жами 7065 нусха. Буортма № 313. Шартнома №41-2002.

Ўзбекистон матбуот ва матбаа агентлигининг Faafur Фулом номидаги
нашриёт-матбаа ижодий уйи. 700129, Тошкент, Навоий, 30.
700169, Тошкент, У.Юсупов кўчаси 86.